

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

40-сон
(852)
2018 йил
9 октябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

790. «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати кунини белгилаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 2 октябрдаги ЎРҚ-490-сон Қонуни
791. «Париж битимини (Париж, 2015 йил 12 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 2 октябрдаги ЎРҚ-491-сон Қонуни
792. «Ислом ҳамкорлик ташкилоти Уставига киритилган тузатишни (Абиджан, 2017 йил 10-11 июль) ратификация қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 2 октябрдаги ЎРҚ-492-сон Қонуни
793. «Ислом мамлакатларининг стандартлар ва метрология институти Устави ва Тартиб-қоидаларини (Истанбул, 1999 йил 7 ноябрь, 2017 йил 7 май ҳолатидаги ўзгартиришлар билан) ратификация қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 2 октябрдаги ЎРҚ-493-сон Қонуни

794. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига иқтисодий муносабатлар ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 октябрдаги ЎРҚ–494-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

795. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги ПФ–5547-сон Фармони

796. «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ–3955-сон қарори

797. «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 октябрдаги ПҚ–3956-сон қарори

798. «Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 октябрдаги ПҚ–3961-сон қарори

799. «Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ–3962-сон қарори

Учинчи бўлим

800. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бериладиган тасдиқловчи ҳужжатлар турларини тубдан қисқартириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 октябрдаги 789-сон қарори

Бешинчи бўлим

801. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 14 августдаги 220-сон «Маъмурий қамокқа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарнинг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 29 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3073*)

802. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 26 августдаги 01-02/12-58-сон «Халқаро почта ва курьерлик жўнатма-

лари устидан божхона назорати қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 29 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 896-4*)

803. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2018 йил 6 сентябрдаги 181-мх-сон «Почта, курьерлик жўнатмалари почта хавфсизлиги юзасидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 4 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2428-2*)

804. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 сентябрдаги 128, 31, 2018-69, 27/18-сон «Тижорат банклари, шу жумладан бошқа инвесторлар иштирокида банкрот корхоналар негизида ташкил этилган корхоналарнинг асосий воситалари ва номоддий активлари бўйича амортизация ажратмаларини ўрнатилган меъёрдан камроқ ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 4 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2114-2*)

805. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 5 октябрдаги 477-мх-сон «Тошкент давлат юридик университетининг магистратурасига қабул қилишда ёзма имтиҳон ўтказиш ва унинг натижаларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2491-2*)

806. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 29 августдаги 2018-68-сон «Давлат солиқ хизмати органларида солиққа оид ҳуқуқбузарлик хавфини таҳлил этиш тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3075*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 29 сентябрдан 5 октябргача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

790 Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати кунини белгилаш тўғрисида*Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 6 сентябрда қабул қилинганСенат томонидан 2018 йил 27 сентябрда
маъқулланган

1-модда. 5 апрель Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати кунини эътибор билан белгилансин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти****Ш. МИРЗИЁЕВ**Тошкент ш.,
2018 йил 2 октябрь,
ЎРҚ-490-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 3 октябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

791 Париж битимини (Париж, 2015 йил 12 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 25 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 27 сентябрда
маъқулланган

Париж битими (Париж, 2015 йил 12 декабрь) ратификация қилин-
син.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 2 октябрь,
ЎРҚ-491-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 3 октябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

792 Ислом ҳамкорлик ташкилоти Уставига киритилган тузатишни (Абиджан, 2017 йил 10-11 июль) ратификация қилиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 7 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 27 сентябрда
маъқулланган

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Уставига киритилган тузатиш (Абиджан, 2017 йил 10-11 июль) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 2 октябрь,
ЎРҚ-492-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 3 октябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

793 Ислом мамлакатларининг стандартлар ва метрология институти Устави ва Тартиб-қоидаларини (Истанбул, 1999 йил 7 ноябрь, 2017 йил 7 май ҳолатидаги ўзгартиришлар билан) ратификация қилиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 7 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 27 сентябрда
маъқулланган

Ислом мамлакатларининг стандартлар ва метрология институти Устави ва Тартиб-қоидалари (Истанбул, 1999 йил 7 ноябрь, 2017 йил 7 май ҳолатидаги ўзгартиришлар билан) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 2 октябрь,
ЎРҚ-493-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 3 октябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

794 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига иқтисодий муносабатлар ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 30 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 27 сентябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «**Банклар ва банк фаолияти тўғрисида**»ги 216–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 54-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 491-модда, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 4, 133-модда, № 9, 337-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда) **4-моддасининг иккинчи қисмига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи хатбоши** билан тўлдирилсин:
«микроқарз бериш»;

ўн биринчи хатбоши ўн иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «**Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида**»ги 71–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 142-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 10, 536-модда; 2011 йил, № 9, 245-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **12-модданинг биринчи** ва **иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензиялар уларнинг амал қилиши муддати чекланмаган ҳолда берилади.

Фаолиятнинг лицензияланадиган айрим турларига нисбатан қонун ҳужжатларида лицензиянинг чекланган амал қилиш муддати белгиланиши мумкин, лекин бу муддат беш йилдан кам бўлмаслиги лозим»;

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 4 октябрда эълон қилинган.

2) **16-модда:**

қуйидаги мазмундаги **еттинчи** ва **саккизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Агар лицензияловчи орган лицензия бериш ёхуд лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш муддати давомида лицензия бериш ҳақида ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида ёхуд лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақида ёки унинг амал қилиш муддатини узайтиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилмаса, кўрсатилган муддат ўтганидан сўнг лицензия даъвогари аризада кўрсатилган фаолият турини амалга ошириш ҳуқуқига бу ҳақда лицензияловчи органни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда эга бўлади.

Ушбу модданинг еттинчи қисмида назарда тутилган ҳолда лицензияловчи орган лицензия даъвогарининг ёзма хабари олинганидан кейин беш иш куни ичида унга лицензия бериши ёки лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириши шарт. Тақдим этилган ҳужжатларнинг улар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган рўйхати ҳамда лицензия даъвогари томонидан лицензияловчи органга юборилган ёзма хабар лицензия олингунига қадар лицензияга тенглаштирилади ва шундай фаолиятни амалга ошириш учун асос бўлади. Бунда лицензия даъвогари лицензиясиз фаолият билан шуғулланганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас»;

еттинчи — ўн биринчи қисмлари тегишинча **тўққизинчи — ўн учинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «**Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида**»ги 222–II-сонли Қарори **1-иловасининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 6-7, 105-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 323-модда, № 9, 416-модда; 2009 йил, № 9, 330-модда; 2010 йил, № 9, 335, 341-моддалар, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар) **йигирманчи — олтмишинчи хатбошилари** қуйидаги мазмундаги **йигирманчи — эллик бешинчи хатбошилари** билан алмаштирилсин:

«Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш.

Телекоммуникациялар тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш.

Нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш.

Қимматбаҳо ва нодир металлларни, қимматбаҳо тошларни қазиб олиш.

Нефть маҳсулотларини (автобензин, авиабензин, экстрабензин, дизел ёнилғиси, авиакеросин, мазут, печка қорамойи, нефть битуми, шунингдек

техник мойлар ва мойлаш материалларини) реализация қилиш, бундан заводда идишларга қадокланганлари мустасно.

Этил спирти ва алкогольли маҳсулот ишлаб чиқариш.

Банк фаолияти.

Банклар томонидан чет эл валютасида операциялар ўтказиш.

Қимматли қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқариш.

Қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал фаолият.

Баҳолаш фаолияти.

Суғурталовчиларнинг ва суғурта брокерларининг суғурта фаолияти.

Аудиторлик фаолияти.

Ломбардлар фаолияти.

Лотереялар ташкил этиш.

Адвокатлик фаолияти.

Божхона омборини таъсис этиш.

Божсиз савдо дўконини таъсис этиш.

Божхона режимида омборхона — «эркин омборхона» таъсис этиш.

Геодезия ва картография фаолияти.

Ноширлик фаолияти.

Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолият.

Диний таълим муассасаларининг фаолияти.

Аудиовизуал асарларни, фонограммаларни ва ЭҶМ учун яратилган дастурларни такрорлаш.

Фонограммаларни тайёрлаш.

Концерт-гомоща фаолиятини амалга ошириш.

Биржа фаолияти.

Туризм фаолияти.

Улгуржи савдо.

Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш.

Микрокредит ташкилотлари фаолияти.

Пиротехника буюмларини (ҳарбий мақсаддаги маҳсулотлардан ташқари) ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш.

Риэлторлик фаолияти.

Кредит бюрolari фаолияти.

Вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар ҳарбий хизматчилари ҳамда ходимларининг тасдиқланган намунадаги формали кийим-боши савдоси бўйича фаолият.

Қимматбаҳо металлардан ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмларини ҳамда бошқа буюмларни ишлаб чиқариш».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 15 сентябрда қабул қилинган «**Микромолиялаш тўғрисида**»ги ЎРҚ–50-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 492-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **5-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Микроқарз банклар ва микрокредит ташкилотлари томонидан жисмоний шахс бўлган қарз олувчига энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдоридан ошмайдиган суммада тўловлилик, муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида бериладиган пул маблағларидир»;

2) **8-модда:**

учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Микромолиявий хизматлар кўрсатиш қоидалари барчанинг танишиб чиқиши учун очиқ бўлиши ва бу қоидаларда қуйидагилар бўлиши керак:

микромолиявий хизматлар кўрсатиш шартлари;

микромолиявий хизматларнинг миқдори, муддатлари, тўлови ва тўлик қиймати тўғрисидаги маълумотлар»;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Микромолиявий хизматлар кўрсатиш шартномалари бўйича йиллик қарз миқдорининг ярмидан кўпини ташкил этадиган суммада фоизлар ҳисоблаш, воситачилик ҳақлари ва неустойка (жарима, пеня) ундириш, жавобгарликнинг бошқа чораларини қўллаш тақиқланади»;

3) **14-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«микромолиявий хизматлар кўрсатиш шартномалари бўйича йиллик қарз миқдорининг ярмидан кўпини ташкил этадиган суммада фоизлар ҳисоблашни, воситачилик ҳақлари ва неустойка (жарима, пеня) ундиришни, жавобгарликнинг бошқа чораларини қўллашни тақиқлаш шarti»;

олтинчи — ўнинчи хатбошилари тегишинча **еттинчи — ўн биринчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 сентябрда қабул қилинган «**Микрокредит ташкилотлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–53-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 495-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда) **13-моддасининг учинчи қисмига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«микромолиявий хизматлар кўрсатиш шартномалари бўйича йиллик қарз миқдорининг ярмидан кўпини ташкил этадиган суммада фоизлар ҳисоблашга, воситачилик ҳақлари ва неустойка (жарима, пеня) ундиришга, жавобгарликнинг бошқа чораларини қўллашга»;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январда қабул қилинган ЎРҚ–400-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, 1-сонга илова; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

- 1) **15-модданинг иккинчи хатбошисидаги** «тегишли рухсатнома олган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;
- 2) **44-модда биринчи қисмининг:**
учинчи ва **тўртинчи хатбошилари** чиқариб ташлансин;
бешинчи — еттинчи хатбошилари тегишинча **учинчи — бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;
- 3) **72-модда биринчи қисмининг:**
учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;
тўртинчи — олтинчи хатбошилари тегишинча **учинчи — бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;
- 4) **275-модданинг биринчи қисми:**
қўйидаги мазмундаги **бешинчи — тўққизинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:
«божхона расмийлаштируви бўйича операцияларни бажариш учун божхона назорати зонасига кириш;
божхона масалалари бўйича божхона органларидан ахборот ва маслаҳатлар олиш;
товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини божхона ҳудудидан олиб чиқиш нияти тўғрисида божхона органларини хабардор қилиш;
дастлабки операциялар амалга оширилаётганда божхона мақсадлари учун зарур бўладиган ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлаш;
декларацияланадиган товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини божхона омборларига божхона назорати остида жойлаштириш»;
бешинчи хатбошиси ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин;
- 5) **277-модданинг тўртинчи — еттинчи қисмлари** чиқариб ташлансин;
- 6) **278, 279** ва **280-моддалар** чиқариб ташлансин;
- 7) **282-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
«декларант ёки ваколатли шахс олдидаги ўз фуқаролик жавобгарлигини энг кам ойлик иш ҳақининг минг баравари миқдорида суғурталаши»;
- 8) **283-модда** чиқариб ташлансин;
- 9) **284-моддадаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан берилган малака аттестатига эга бўлган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;
- 10) **285-модда** чиқариб ташлансин;
- 11) **286-модда биринчи қисмининг «е» кичик банди** чиқариб ташлансин;
- 12) **287-модда биринчи қисмининг «л»** ва **«м» кичик бандлари** чиқариб ташлансин;
- 13) **291-модда биринчи қисмининг:**
саккизинчи ва **тўққизинчи хатбошилари** чиқариб ташлансин;
ўнинчи ва **ўн биринчи хатбошилари** тегишинча **саккизинчи** ва **тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

14) **336-модданинг биринчи қисмидаги** «278» рақами чиқариб ташлансин;

15) **338-модданинг:**

иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

учинчи — бешинчи хатбошилари тегишинча **иккинчи — тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

8-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 3 октябрь,
ЎРҚ-494-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ****795 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш,
шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш
тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 23 майдаги ПФ–5446-сон Фармони, «Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 30 мартдаги ПҚ–3643-сон ва «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 3 июлдаги ПҚ–3832-сон қарорларига мувофиқ, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини 2018/2019 йиллар куз-қиш даврида кўмир билан узлуксиз таъминлаш ва агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги устидан тегишли назоратни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи хужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 30 сентябрь,
ПФ–5547-сон

* Ушбу Фармон «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 1 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги
ПФ-5547-сон Фармониغا
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сон Фармонининг 2-бандининг иккинчи хатбошидаги «Солиқ ва валютага оид жиноятларга ҳамда жиноий даромадларни легаллаштиришга» сўзлари «Иқтисодий жиноятларга» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 30 июндаги ПФ-5099-сон Фармонида:

4-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги:

Инновация марказини мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади;

Инновация марказини ривожлантиришга кўмаклашиш борасида давлат органлари, илмий, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга оширади;

республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантиришда Инновация маркази фаолиятини тизимли мониторинг ва таҳлил қилади;

юримдик шахсларни Инновация маркази резидентлари сифатида рўйхатга олиш ва уларни резидент мақомидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилади;

Инновация марказининг фаолиятини такомиллаштириш ва ахборот технологиялари соҳасида юримдик шахслар учун шарт-шароитларни, шу жумладан илғор чет эл тажрибаси асосида яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлайди»;

илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 12 апрелдаги ПФ-5414-сон Фармонининг 4-бандининг саккизинчи хатбошидаги «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга» сўзлари «Иқтисодий жиноятларга» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 27 июл-

даги ПФ–5490-сон Фармонининг рус тилидаги матни 2-иловасининг 5-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Проверки по вопросам, входящим в компетенцию Инспекции по контролю за агропромышленным комплексом и обеспечением продовольственной безопасности при Генеральной прокуратуре Республики Узбекистан	Инспекция по контролю за агропромышленным комплексом и обеспечением продовольственной безопасности при Генеральной прокуратуре Республики Узбекистан	не более 30 дней».
---	--	--------------------

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қискартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ–57-сон қарори рус тилидаги матни иловасининг 1-позицияси «Масъул ижрочилар» устунидаги «налоговыми и валютными» сўзлари «экономическими» сўзи билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қозоғистон Республикаси билан икки томонлама махсулот айирбошлашни ошириш бўйича интеграциялашув жараёни ва чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида»ги 2006 йил 25 апрелдаги ПҚ–332-сон қарорининг рус тилидаги матни иловасининг 3.1-позицияси «Тадбир номи» устунидаги «и финансированию терроризма» сўзлари «финансированию терроризма и финансированию распространения оружия массового уничтожения» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алкоголли махсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2006 йил 7 ноябрдаги ПҚ–505-сон қарорининг рус тилидаги матни иловасининг 8-позицияси «Масъуллар» устунидаги «налоговыми, валютными преступлениями и легализацией преступных доходов» сўзлари «экономическими преступлениями» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро шартномага қўшилиш тўғрисида»ги 2012 йил 21 декабрдаги ПҚ–1882-сон қарорининг 2-банди иккинчи хатбошидаги «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» сўзлари «Иқтисодий жиноятларга» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябрдаги ПҚ–2036-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги низомнинг 5-бандидаги «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» сўзлари «Иқтисодий жиноятларга» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон қарори 1-иловасининг 16-бандидаги «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» сўзлари «Иқтисодий жиноятларга» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини дори-дармон

воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2016 йил 31 октябрдаги ПҚ–2647-сон қарорининг 7-банди иккинчи хатбошисидаги «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» сўзлари «Иқтисодий жиноятларга» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 2 февралдаги ПҚ–2752-сон қарори 2-иловасининг 37-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«37. Рахимов Д.Ф. — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғи в. б.».

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Дори воситаларини ва тиббиёт буюмларини сотиш, фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 14 февралдаги ПҚ–2773-сон қарорининг 4-бандидаги «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» сўзлари «Иқтисодий жиноятларга» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарори 2-иловасининг 14-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«14. Рахимов Д.Ф. — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғи в. б.».

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги ПҚ–2847-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомнинг рус тилидаги матни 9-банди 7-кичик банди ўн тўққизинчи хатбошидаги «и финансирования терроризма» сўзлари «финансирования терроризма и финансирования распространения оружия массового уничтожения» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 28 апрелдаги ПҚ–2935-сон қарорининг рус тилидаги матнида:

а) 1-банднинг еттинчи хатбошисидан «и аккредитации» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-бандининг «б» кичик бандида:

иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

в) 3-бандининг «а» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) 6-бандининг тўртинчи хатбошисидан «и аккредитации» сўзлари чиқариб ташлансин;

д) 9-бандининг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

е) 10-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

ж) 1-иловада:

25-позиция чиқариб ташлансин;

34-позициясининг «Тадбирлар номи» устунидан «и аккредитации» сўзлари чиқариб ташлансин;

з) 2-иловадан «Государственное предприятие «Узбекский центр аккредитации органов оценки соответствия» блоки чиқариб ташлансин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат мулки объектларини сотиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 16 июндаги ПҚ–3067-сон қарорига 2-иловадан 193-позиция чиқариб чиқариб ташлансин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика аҳолисини ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг асосий турлари билан ишончли таъминлашга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 23 июндаги ПҚ–3082-сон қарорида:

15-бандининг биринчи хатбошисидаги «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» сўзлари «Иқтисодий жиноятларга» сўзлари билан алмаштирилсин;

16-бандидан «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш» сўзлари чиқариб ташлансин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2017 йил 17 июлдаги ПҚ–3137-сон қарорининг 1-банди тўртинчи хатбошисидан «Ўзстандарт» агентлигида» сўзлари чиқариб ташлансин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 17 январдаги ПҚ–3479-сон қарорида:

а) 9-бандининг биринчи хатбошисидан «2019 йил 1 январга қадар муддатга» чиқариб ташлансин;

б) 3-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Импорт қилишда божхона тўловлари тўлаш бўйича имтиёз
бериладиган (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар)
маҳсулот, хом ашё ва материаллар турларининг
РЎЙХАТИ**

Т/р	Товар номи	ТИФ ТН коди	Имтиёзлар бериш мuddати
1.	Цемент, шу жумладан цемент клинкери	2523	2019 йил 1 январга қадар
2.	Асбест	2524	
3.	Қурилиш ойнаси	7003, 7004, 7005	
4.	Ёғоч-тахта ва ёғоч-тахта материаллари	4403, 4404, 4406, 4407	
5.	Кўмир	2701, 2702	2020 йил 1 январга қадар

Изоҳ: ушбу маҳсулот ва хом ашё турлари фақат биржа савдолари орқали реализация қилинади, қуйидаги четдан олиб кириладиганлар бундан мустасно:

ёғоч-тахта материаллари ва том ёпиш учун темир листлар — «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖ томонидан;

цемент клинкери — уларни қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш қувватларига эга ва тайёр цементни биржа савдоларида реализация қиладиган корхоналар томонидан;

асбест — уларни қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш қувватларига эга корхоналар томонидан.».

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 14 февралдаги ПҚ–3532-сон қарорига 3-илованинг рус тилидаги матни ўнинчи хатбошисидаги «налоговыми, валютными преступлениями и легализацией преступных доходов» сўзлари «экономическими преступлениями» сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги ПҚ–3550-сон қарори билан тасдиқланган Контрактларни экспертизадан ўтказиш ва рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомнинг рус тилидаги матни 6-1-банди иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«субъектами предпринимательства, не указанными в подпунктах «а» и «б» пункта 6 настоящего Положения, независимо от источников финансирования. При этом, субъекты предпринимательства могут на добровольной и договорной основе вносить в Центр на экспертизу и/или регистрацию контракты, импортные контракты;».

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Виночилик соҳасини ва алкогольли маҳсулотларни реализация қилишни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 28 февралдаги ПҚ–3573-сон қарорининг 21-бандидаги «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даро-

мадларни легаллаштиришга» сўзлари «Иқтисодий жиноятларга» сўзлари билан алмаштирилсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро шартномаларга қўшилиш тўғрисида»ги 2018 йил 19 мартдаги ПҚ–3615-сон қарорининг 2-бандидаги «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» сўзлари «Иқтисодий жиноятларга» сўзлари билан алмаштирилсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарорида:

а) 2-иловада:

11-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Мухамедов У.С. — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлигининг биринчи ўринбосари);

14-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Ачилов Ж.А. — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи);

б) 3-илованинг 4 — 6-бандларидаги «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга» сўзлари билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги
ПФ–5547-сон Фармонида
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган айрим ҳужжатлари РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2017 йил 29 сентябрдаги ПФ–5196-сон Фармонида илованинг 1-банди «б» кичик банди ва 6-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ти-

зимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 8 майдаги ПФ–5438-сон Фармонига 3-илованинг 7-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш соҳа-сида хусусий секторни ривожлантириш мақсадида давлат активларини со-тиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2017 йил 29 сентябр-даги ПҚ–3297-сон қарорига илованинг рус тилидаги матни 44-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республика-си Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавф-сизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 7 майдаги ПҚ–3699-сон қарорига 10-илованинг 4-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

796 Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомил-лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мактабгача таълим тизимини яхлит узлуксиз таълим тизимининг му-ҳим бўғини сифатида янада такомиллаштириш, мактабгача таълим муасса-салари тармоғини кенгайтириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкам-лаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик ва жисмоний ривожлантирув-чи замонавий таълим дастурлари ва технологияларини таълим-тарбия жа-раёнига жорий этиш, уларнинг мактабга тайёргарлик даражасини тубдан ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Мак-табгача таълим вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик деб аталади) негизда қуйидагиларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик бе-рилсин:

а) Ахборот ва педагогика технологиялари инновацион марказини (ке-йинги ўринларда — Марказ) давлат муассасаси шаклида ташкил этиш ҳамда унга қуйидаги вазифаларни юклаш:

таълим-тарбия жараёнига илғор педагогика ва ахборот технологиялари-ни жорий этиш, Мактабгача таълимни бошқариш ахборот тизимининг жо-рий этилишини таъминлаш;

таълим-тарбия жараёнида, мактабгача тарбия тизимининг педагог ва

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 1 октябрда эълон қилинган.

рахбар ходимлари таркибини ўқитиш жараёнида фойдаланиш ҳамда турли телекоммуникация каналлари орқали тарқатиш учун медиа-контент тайёрлаш ва ишлаб чиқариш;

мактабгача таълим муассасалари учун ўқув-методик, дидактик материалларни тайёрлаш ва ишлаб чиқариш;

мактабгача ёшдаги болаларни эрта ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш;

мактабгача таълимни бошқаришнинг замонавий стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

мактабгача таълим тизимида жорий этилаётган таълим усуллари ва дастурларини таҳлил қилиш ва самарадорлигини баҳолаш;

б) Ихтисослаштирилган лойиҳа-изланиш институтини (кейинги ўринларда — Институт) давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этиш ҳамда Институтни мактабгача таълим тизими буюртмачилари билан тузилган шартномаларга мувофиқ инвестиция лойиҳалари бўйича, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда бош лойиҳа ташкилоти сифатида белгилаш;

в) Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниринг компаниясини (кейинги ўринларда — Инжиниринг компанияси) давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этиш ҳамда Инжиниринг компаниясига мактабгача таълим тизими объектларини қуриш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича буюртмачи функцияларини юклаш ҳамда компания хизматлари билан боғлиқ харажатларни давлат мактабгача таълим муассасаларини қуриш, капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш қийматига киритиш;

г) юридик шахс ташкил қилмасдан Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармасини (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этиш.

Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Республика бюджети маблағлари, шу жумладан, 2018-2019 йилларга мўлжалланган, ҳар чоракда ажратилиб, ҳар йили бюджет қоидаларига мувофиқ индексацияланадиган жами 100 миллиард сўм миқдорига;

давлат мактабгача таълим муассасаларининг фойдаланилмаётган кўчмас мулкни сотишдан тушган маблағлар — 100 фоиз миқдорига;

Вазирлик тузилмасига кирган ташкилотлар ва муассасалар фаолиятини текшириш натижалари бўйича Вазирлик ички аудит хизматлари томонидан аниқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари жамғармалари даромадига ундирилган бюджет маблағларининг ноқонуний харажатлари, ўғирлик, камомад суммаларининг 50 фоизи;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг хайрия маблағлари;

халқаро молия ташкилотлари, хорижий давлатлар ва бошқа донорлар кредитлари (қарзи), грантлари ва техник кўмаклашиш маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Белгилаб қўйилсинки:

а) Жамғарма маблағлари:

мактабгача таълим муассасаларини белгиланган тартибда мақсадли қури-лишлар рўйхатига киритиб, уларнинг тармоғини кенгайтиришга;

мактабгача таълим тизими ходимларини моддий рағбатлантиришга;

юқори малакали мутахассислар, шу жумладан, хорижий мутахассисларни, шунингдек, хорижда фаолият юритаётган ватандошларимизни фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида Вазирликка ишлаш учун жалб қилишга;

Вазирликка юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш доира-сида давлат органлари ва ташкилотлари, лойиҳа институтлари, илмий ва олий таълим муассасалари, етакчи халқаро ва хорижий ташкилотлар му-тахассисларини, шунингдек, экспертларни маслаҳатчилар сифатида жалб қилишга;

Вазирлик ходимларини, жумладан, хорижда ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилишга;

Вазирлик, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирли-ги, вилоят мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимлари ва давлат мактабгача таълим муассасалари биноларини жиҳозлаш ва таъмир-лашга;

таълим-тарбия жараёнига илғор педагогика ва ахборот технологиялари-ни жорий этиш, шунингдек, Вазирлик фаолиятини такомиллаштиришга йўнал-тирилган бошқа тадбирларга сарфланади;

б) Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан келишган ҳолда Жамғарма томонидан хорижий давлатлар ва ҳукуматлардан, халқаро ва хорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотла-ридан, чет эллик фуқаролардан бегараз ёрдам олиниши ҳақида қарорлар қабул қилади.

2. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги марказий ап-паратининг янгиланган тузилмаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик тизими бошқарув ходимларининг чекланган сони 2 324 на-фар, шу жумладан, Вазирлик марказий аппарати ходимлари 138 нафар, шунингдек, методистлар 471 нафар этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирига:

Вазирлик марказий аппаратининг тасдиқланган тузилмасига бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони чегарасида ўзгартиришлар кири-тиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоят мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бошқармаси, мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимлари, бошқа идоравий мансуб ташкилотларнинг низомлари ва тузилмаларини, шунингдек, уларнинг бошқарув ходимларининг чекланган сонини тасдиқлаш ҳуқуқлари берилсин.

3. Белгилансинки:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоят ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бошқармалари, мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимлари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири томонидан жойлардаги давлат ҳокимияти органлари билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади;

б) 2019 йил 1 январдан:

мактабгача таълим тизимининг пенсия ёшидаги ходимларига, уларнинг мактабгача таълим тизими муассасаларидаги фаолияти асосий иш жойи бўлган тақдирда пенсия тўлиқ миқдорда тўланади;

мактабгача таълим билан боғлиқ йўналиш бўйича фаолиятга лицензия бериш учун мажбурий лицензиявий талаб мактабгача таълим муассасаси, унинг тарбияланувчилари, педагоглари ва таълим-тарбия жараёни тўғрисидаги ишончли ахборотни Мактабгача таълимни бошқаришнинг ахборот тизимига киритишдир;

нодавлат мактабгача таълим муассасаси лицензиясини тўхтатиш ёки бекор қилиш учун Мактабгача таълимни бошқаришнинг ахборот тизимида мактабгача таълим муассасаси, унинг тарбияланувчилари, педагоглари ва таълим-тарбия жараёни тўғрисидаги ишончли ахборотнинг йўқлиги асос бўлади.

4. 2018-2019 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари дастури 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ушбу Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсий жавобгар эканлиги кўрсатилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасидан Марказга бегаразлик асосида босқичма-босқич 10 миллион АҚШ доллари эквивалентида, шу жумладан, 2018 йилда Марказни жойлаштириш, жиҳозлаш ва сақлаш билан боғлиқ ташкилий-амалий тадбирларни молиялаштириш учун 2 миллион АҚШ доллари эквивалентида маблағ ажратсин;

Вазирлик билан биргаликда белгиланган тартибда мактабгача таълим муассасаларининг Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ҳисобидан кенг полосали интернет тармоғидан фойдаланишини таъминласин.

6. Қўйидагилар:

хорижий шериклар билан биргаликда амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида илғор педагогик технологиялар ва инновацион ўқитиш усуллари-ни жорий этиш ҳамда мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкил қилиш, шу жумладан, мактабгача таълим соҳасида корхоналар ташкил қилиш учун олиб кириладиган товарлар;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, Марказ, Инжиниринг компанияси ва Институт томонидан олиб кириладиган махсус техника, ускуналар, шу жумладан, асбоблар, эҳтиёт ва бутловчи қисмлар, техник ҳужжатлар ва дастурий маҳсулотлар белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича 2022 йилнинг 1 январигача божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, юқорида кўрсатилган товарлардан мақсадсиз фойдаланилган тақдирда божхона имтиёзлари берилиши муносабати билан тўланмаган божхона тўловлари суммаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети фойдасига ундирилади ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда молиявий санкциялар қўлланилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги:

2019 йил 1 январдан Тошкент шаҳрининг учта туманида жон бошига норматив молиялаштиришнинг синов режимида жорий этилишини;

2019 йил 15 июлгача бўлган муддатда синов тариқасидаги жон бошига норматив молиялаштириш натижаларининг батафсил таҳлил қилинишини;

2019 йил 1 августгача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ўтказилган таҳлил натижаларини ҳисобга олган ҳолда мактабгача таълим тизимида молиялаштириш механизмини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Вазирлик ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда 2018 йил 1 ноябргача бўлган муддатда қишлоқ жойларда бир нечта кўп қаватли турар жой уйлари ёки уйлар гуруҳларидан иборат янги мажмуаларни лойиҳалаштириш нормативлари ва тартибини ишлаб чиқсин ҳамда кўп қаватли турар жой уйлари-нинг биринчи қаватларида ёки алоҳида бино кўринишида мактабгача таълим муассасаси бўлишини назарда тутсин.

9. Белгилансинки:

қишлоқ жойларда бир нечта кўп қаватли турар жой уйлари ёки уйлар гуруҳларидан иборат янги қурилаётган мажмуалардаги мактабгача таълим муассасасининг энг кам қуввати 50 ўрндан кам бўлмаслиги керак;

қурилган мактабгача таълим муассасалари бинолари ёки хоналари давлат ёки нодавлат таълим муассасаларини, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида, турар жой мулкдорларининг қарорига мувофиқ ташкил қилиш учун фойдаланилиши мумкин;

давлат мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш, тугатиш, уларга тегишли ер участкалари ва кўчмас мулкни олиб қўйиш фақат Вазирлик билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

давлат мактабгача таълим муассасаларини қайта ташкил этиш ёки тугатиш, уларга тегишли ер участкалари ва кўчмас мулкни олиб қўйиш ҳақида Вазирлик билан келишмаган ҳолда қарор қабул қилган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

10. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда Вазирлик Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖ билан биргаликда 2019 йил 1 мартгача бўлган муддатда 2025 йилгача мактабгача таълим муассасаларини ичимлик суви, иситиш тизими, электр энергияси ва табиий газ билан таъминлашни тубдан яхшилаш дастури лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. «UZINFOCOM» давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор» МЧЖ ҳамда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази билан биргаликда 2019 йил 1 январгача:

болани давлат мактабгача таълим муассасасига қабул қилиш бўйича давлат хизматидан фойдаланганда;

мактабгача таълим муассасаларида таълим олаётган болалар учун жисмоний шахс шахсий идентификация рақамини бериш бўйича хизматни жорий этсин.

12. Вазирлик:

а) ўн кунлик муддатда Давлат мактабгача таълим муассасаларининг Васийлик кенгашларини тугатсин ҳамда Давлат мактабгача таълим муассасаларининг Кузатув кенгашларини тузсин;

б) бир ойлик муддатда:

давлат мактабгача таълим муассасалари томонидан дам олиш кунларида ва иш куни тугагандан кейин белгиланган дастурдан ташқари фаолият ихтисослиги бўйича қўшимча пуллик хизматлар кўрсатиш (болаларни парвариш-лаш, қараб туриш, ўқитиш бўйича ва бошқалар) тартибини тасдиқласин;

Мактабгача таълим муассасасининг кузатув кенгаши ҳақида низомни тасдиқласин ва унда, шу жумладан, Кузатув кенгашига Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан тавсия этилган номзодлар таркибидан мактабгача таълим муассасаси раҳбарини сайлаш ҳуқуқи берилиши назарда тутилсин.

13. Белгилансинки:

а) Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармалари маблағлари, товарлар, ишлар, хизматларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича умумий харажатлар (хомийлик, беғараз ёрдам суммаларидан ташқари) қоплангандан кейин моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва моддий рағбатлантириш бўйича тадбирлар учун фойдаланилади;

б) давлат мактабгача таълим муассасаси ҳисобварағига қўшимча пуллик хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлар қўшимча пуллик хизматлар кўрсатиш бўйича умумий харажатлар қоплангандан кейин:

80 фоизи — мактабгача таълим муассасаси ходимларини моддий рағбатлантириш ҳамда мактабгача таълим муассасаси моддий-техника базасини яхшилашга (таъмирлаш, инвентарь ва ускуналар, ўқув-услубий материаллар сотиб олиш ва бошқалар);

10 фоизи — Жамғармага;

5 фоизи — тегишли туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимининг Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасига;

5 фоизи — Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармасининг Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтиришни биргаликда молиялаштириш, давлат мактабгача таълим муассасаларини жиҳозлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, мазкур қарор билан тасдиқланадиган 2018-2019 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари дастурини биргаликда молиялаштириш учун донор мамлакатлар ва халқаро молиявий институтлар маблағларини (кредитлар, қарзлар, грантлар) давлат-хусусий шериклик асосида жалб қилишни таъминласин.

15. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси Бош прокуратура, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда мактабгача таълим муассасалари фаолиятини текшириш тартибини белгиладиган Ҳукумат қарорини, бундай ваколатлар берилган органларнинг қатъий рўйхатини, текширувларни тайинлаш ва ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини кўрсатган ҳолда ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ноқонуний текширишларга йўл қўйилмаслиги устидан назоратни кучайтирсин ҳамда айбдор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ қатъий жавобгарлик чораларини қўлласин.

Назорат қилувчи органлар жойлардаги давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда мактабгача таълим муассасалари фаолиятини текшириш чоғида аниқланган қоидабузарликларнинг бартараф этилиши ва кейинчалик йўл қўйилмаслигига ҳар томонлама ёрдам кўрсатсин.

17. Молия вазирлиги мазкур қарорнинг амалга оширилиши учун зарур маблағларни 2018 йилда «Таълим» тармоғи бўйича Давлат бюджети параметрлари чегарасида ажратсин, 2019 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрларида ҳар йили назарда тутсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Марказ, Институт ва Инжиниринг компаниясининг фаолиятини ташкил қилиш бўйича, шу жумладан, уларни молиялаштириш манбаларини назарда тутган ҳолда;

Жамғарманинг фаолиятини ташкил қилиш бўйича қарор қабул қилсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирини Жамғарма маблағларини тақсимловчи этиб белгилашни назарда тутсин.

19. Марказ, Институт ва Инжиниринг компаниясини Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Окдарё кўчаси, 122-уйда жойлашган Яшнобод компьютер технологиялари касб-хунар коллежи биноларида жойлаштирасин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 4-иловага* мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 5-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

22. Вазирлик бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан бирга-ликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

23. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувохитов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирини А.В. Шин зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 30 сентябрь,
ПҚ-3955-сон

* 4-5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**797 Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Сўнги йилларда республикада экологик хавфсизликни таъминлаш, экологик вазиятни яхшилаш, чиқиндиларнинг инсонлар соғлигига зарарли таъсирининг олдини олиш, шунингдек, ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида техник ва технологик жараёнлар оқибатида юзага келаётган муаммоларни ҳал этишга янги ёндашувларни жорий қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Республика шаҳар ва туманларида санитария жихатидан тозалашнинг мутлақо янги тузилмаси яратилди. Барча жойларда давлат-хусусий шериклик шароитида замонавий технологияларни қўллаган ҳолда чиқиндиларни тўплаш, ташиш ва қайта ишлаш кластерларини ташкил этишни назарда tutувчи чиқиндиларни комплексли бошқариш тизими жорий этилмоқда.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил давомида белгиланган вазифаларнинг тегишли даражада амалга оширилишини, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ислохотларни белгиланган суръатларда ва самарали амалга оширилишига тўсқинлик қилувчи қатор омиллар мавжудлиги аниқланди, хусусан:

биринчи, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда Давлат экология қўмитаси деб юритилади) функциялари ва ваколатлари ҳаддан зиёд марказлашган;

иккинчи, Давлат экология қўмитаси инспекциявий фаолиятининг ягона вертикали мавжуд эмаслиги ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларидан ноқонуний фойдаланишга қарши курашишни самарали олиб бориш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш имконини бермаяпти;

учинчи, санитария жихатидан тозалаш соҳасидаги субъектларнинг ташкилий, техник, иқтисодий ва ишлаб чиқариш фаолияти етарли даражада мувофиқлаштирилмаяпти;

тўртинчи, экологик тарғиботни ташкил этиш ва олиб бориш бўйича самарали механизмларнинг йўқлиги мазкур йўналишда ижтимоий реклама ва амалга оширилаётган ахборот-тушунтириш ишларининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда;

бешинчи, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимида, шу жумладан атроф-муҳит ҳолатини моделлаштириш ва прогноزلлаштиришда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари етарли даражада жорий этилмаяпти.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви самарадорлигини таъминлаш, қулай экологик ҳолатни барқарор сақлаш,

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 5 октябрда эълон қилинган.

худудий тузилмалар самарадорлигини ошириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси таркибида:

Биохилма-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ва Чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, тўпланиши, сақланиши, ташилиши, утилизация қилиниши, қайта ишланиши, қўмилиши ва реализациясини назорат қилиш инспекцияси негизида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекцияси (кейинги ўринларда — Инспекция);

Санитар тозалаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар республика бирлашмаси (кейинги ўринларда — Республика бирлашмаси);

Ахборот-коммуникация технологиялари ва биллинг тизимини жорий этиш ва ривожлантириш маркази негизида давлат унитар корхонаси шаклида Экологик ахборот, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва мультимедиа маркази (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этилсин.

2. Давлат экология қўмитасининг худудий бўлинмаларини мустаҳкамлаш, шу жумладан экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қилиш соҳасидаги назорат бўйича туман (шаҳар) инспекцияларини қўшимча таъминлаш мақсадида унинг тизимига 404 штат бирлиги киритилсин.

Белгилансинки, қўшимча киритилаётган штатлар бирлигини давлат санитария-эпидемиология назорати марказларида штатлар сонини кераклигича қисқартирган ҳолда, уларни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари штат бирликларининг қисқаришини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларининг штат нормативларини қайта кўриб чиқсин.

3. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ташкилий тузилмаси ва марказий аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг тузилмаси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3 ва 4-иловаларга* мувофиқ;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қилиш соҳасидаги назорат бўйича туман (шаҳар) инспекцияларининг намунавий тузилмаси 5-иловага* мувофиқ;

* 1 — 5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси хузуридаги Санитар тозалаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар республика бирлашмасининг ташкилий тузилмаси ва аппарати тузилмаси 6 ва 7-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Давлат экология қўмитаси раисига:

зарур ҳолларда, Давлат экология қўмитасининг марказий аппарати, ҳудудий органлари, шунингдек, унинг тизимига кирувчи ташкилотлар тузилмасига ходимларнинг чекланган умумий сони доирасида белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритиш;

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағлари, шунингдек, бюджетдан ташқари бошқа маблағлар ҳисобидан Давлат экология қўмитаси органларининг штат бирликларига чекланган умумий соннинг 15 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда қўшимча штат бирликларини жорий қилиш ҳуқуқи берилсин.

5. Қўйидагилар:

а) Инспекция фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан давлат экологик назоратини амалга ошириш;

ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг мавжуд бўлиши, турларининг хилма-хиллигини, табиий туркумлари яхлитлигини ва уларнинг яшаш муҳитини сақлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорликда маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва қўмиш борасидаги амалий тизимни самарали ташкил этиш;

чиқиндиларни йиғиш пунктларини ташкил этиш, уларни ўз вақтида олиб чиқиш, рухсат этилмаган чиқиндихоналарнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик, чиқинди полигонларини бошқариш, уларни утилизация қилиш, қайта ишлаш, қўмиш ва реализация қилишни белгиланган тартибда назоратга олишни ташкил этиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан жамоат экологик назоратини амалга оширишда ҳамкорлик қилиш;

б) Республика бирлашмаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизматлар кўрсатишга ихтисослаштирилган давлат унитар корхоналарининг молиявий-ҳўжалик фаолиятини мувофиқлаштириш;

* 6-7-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

харакатдаги таркибга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини бажариш, шунингдек, санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмаси объектларини қуриш, модернизация ва реконструкция қилиш бўйича ташкилий-техник тадбирларни мувофиқлаштириш;

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш ҳолатини тизимли мониторинг ва таҳлил қилиш;

ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш, шу жумладан электрон тўлов тизимларидан кенг фойдаланиш ишларини ташкил этиш;

иккиламчи ресурсларнинг хўжалик айланмасига жалб қилинишини рағбатлантириш бўйича устувор йўналишларни, шунингдек, маиший чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш бўйича илғор технологияларни жорий этиш;

инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда халқаро ва миллий органлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

в) Марказ фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида автоматлаштирилган ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базасини яратиш, ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, уларни давлатнинг бошқа органлари тизимлари билан изчил интеграциялаштириш, ривожлантириш ва олиб бориш, Давлат экология қўмитаси ахборот тизимлари хавфсизлигини таъминлаш;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат кадастрини, шунингдек, ёввойи ҳайвонлар ҳамда ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликларни кўпайтириш ва сақлаш бўйича питомникларни, зоология ва ботаника коллекциялари давлат ҳисобини юритишнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш, ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишнинг мониторинги, таҳлили ва ҳолатини баҳолаш жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, атроф-муҳит ҳолатини моделлаштириш ва прогноз қилиш бўйича дастурий маҳсулотларини яратиш;

замонавий технологиялар ва ижодий ёндашишлардан бевосита фойдаланган ҳолда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида кенг жамоатчилик хабардорлигини оширишга қаратилган ахборот-таҳлил ва обзорли медиа материалларини тайёрлаш, экологик маданиятни ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олдини олиш;

тайёрланадиган ахборот-таҳлил ва обзорли медиа материалларини тезкорлик билан тарқатиш учун маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш.

6. Давлат экология қўмитаси раиси (Б. Кучкаров) зиммасига:

янги ташкил этилаётган бўлинмалар штатларини ва жорий этилаётган лавозимларни малакали соҳа мутахассислари билан тўлдиришни таъминлаш; ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб, Давлат экология қўмитаси ти-

зимининг, биринчи навбатда, ташкил этилаётган Инспекция, Республика бирлашмаси ва Марказ фаолиятини самарали ташкил этиш;

Давлат экология қўмитаси тизими ходимлари фаолиятининг натижадорлигини тизимли танқидий таҳлил қилиш ва юклатилган вазифаларнинг ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилиши учун уларнинг жавобгарлигини ошириш чораларини кўриш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

7. «Тоза ҳудуд» ва «Махсустрас» давлат унитар корхоналарининг Давлат экология қўмитаси томонидан ҳар йили тасдиқланадиган харажатлар сметаси доирасидаги ажратмалари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Республика бирлашмаси фаолиятини;

товарларни (ишлар, хизматлар) сотишдан олинган маблағлар, Давлат экология қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

Давлат экология қўмитаси ва унинг тузилмавий бўлинмаларига Марказ билан хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) учун тендер (танлов) савдолари ўтказмасдан шартномалар тузишга рухсат берилсин.

8. Давлат экология қўмитаси оператив бошқарув ҳуқуқи ва Марказ беғараз фойдаланиш ҳуқуқи асосида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш илмий-тадқиқот институтининг Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 7а-уйда;

Республика бирлашмаси Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 15-уйда беғараз фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ой муддатда Тошкент шаҳар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасини оператив бошқарув ҳуқуқи асосида жойлаштиришни таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда туман (шаҳар) экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекциялари жойлаштирилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ-2915-сон қарорига 8-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

11. Давлат экология қўмитаси:

а) Республика бирлашмаси ва Марказ уставларини тасдиқласин, шунингдек, уларнинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги низом лойиҳасини;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда Давлат экология қўмитаси тизими ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарларни ихтиёрий экологик маркировка қилиш тизимини жорий қилиш тўғрисида таклифларни;

уч ой муддатда «Экологик аудит тўғрисида»ги ва «Экологик экспертиза тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини;

2019 йил 1 мартга қадар Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш Миллий концепцияси, Қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегияси ва 2020 — 2045 йилларда биологик хилма-хилликни сақлаш стратегияси лойиҳаларини киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 3 октябрь,
ПҚ–3956-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 3 октябрдаги
ПҚ–3956-сонли қарорига
8-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил
21 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-
муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини
ташkil этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги
ПҚ–2915-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банднинг иккинчи — саккизинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;
2. 3 ва 4-бандлар, шунингдек, 5-банднинг «а» ва «в» кичик бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. 1 — 9-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**798 Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикасида сайлов жараёнини янада такомиллаштиришнинг энг мухим йўналишларидан бири замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисобланади.

Мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар доирасида Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини (кейинги ўринларда СЯЭР деб юритилади) жорий этишга қаратилган Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимини яратиш ҳамда уни шакллантириш ва ундан фойдаланишда идоралараро ўзаро ҳамкорлик тартибини регламентлашга доир чора-тадбирлар амалга оширилди.

Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими эксперимент тартибида 2017 йил декабрь ойида Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов давомида синовдан ўтказилди ҳамда хорижий ва маҳаллий экспертлар томонидан ижобий баҳоланди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил сайлов жараёнига СЯЭРни тўлақонли жорий этишни таъминлашга салбий таъсир кўрсатаётган қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатди, хусусан:

биринчидан, республика кўламида СЯЭРдан фойдаланиш амалиётининг мавжуд эмаслиги бир сайловчининг бир вақтнинг ўзида бир нечта рўйхатларга киритилишига олиб келмоқда ва «бир сайловчи — бир овоз» принципига тўлиқ риоя қилинишини таъминламаяпти;

иккинчидан, сайловчи-фуқароларнинг доимий ва вақтинча яшаш жойлари манзиллари тўғрисида ҳаққоний бўлмаган ахборот фуқароларни тегишли сайловчилар рўйхатларига автоматик киритишда аниқликни таъминлаш имконини бермаяпти;

учинчидан, Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестрининг мавжуд эмаслиги, шунингдек, Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестридаги эскирган ва манфаатдор идоралар томонидан фойдаланилмай-диган ахборот сайловчиларни участкалар бўйича тақсимлаш жараёнини автоматлаштиришга тўсқинлик қилмоқда;

тўртинчидан, сайлов участкаларининг замонавий компьютер ускуналари билан жиҳозланиши ва уларнинг интернет тармоғига уланиши даражаси пастлигича қолаётгани сайлов жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш имконини бермаяпти;

бешинчидан, жойлардаги сайлов комиссиялари аъзоларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга доир билим ва кўникмала-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 5 октябрда эълон қилинган.

ри даражаси пастлиги сайлов жараёнини рақамлаштириш ва автоматлаштиришда қийинчилик туғдирмоқда.

Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни таъминлаш, шунингдек, Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимини жорий этиш ва СЯЭРдан самарали фойдаланиш учун зарур аппарат-дастурий инфратузилмани яратиш мақсадида:

1. Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг мамлакатимизнинг бутун ҳудудида сайлов жараёнига Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимини жорий этиш ва СЯЭРдан фойдаланиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. СЯЭРни шакллантиришда Ички ишлар вазирлигининг маълумотлар ахборот базасига, Кўчмас мулк объектлари ягона реестри ва Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестрига мувофиқ сайловчи-фуқаролар, уларнинг доимий ва вақтинча яшаш жойларининг манзиллари тўғрисидаги ягона ахборотдан фойдаланилиши белгилаб қўйилсин.

3. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси мамлакатнинг бутун ҳудудида Сайлов жараёнини бошқаришнинг ахборот тизимини жорий этиш ва СЯЭРдан фойдаланиш бўйича фаолиятга умумий раҳбарликни ва мувофиқлаштиришни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимини жорий этиш ва СЯЭРдан фойдаланишда ягона технологик ёндашувни, шунингдек, уларнинг ҳудудларда самарали ишлашини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Кўчмас мулк объектлари манзилларининг ягона реестри ва Кўчмас мулк объектларининг ягона реестрини юритиш учун жавобгар орган ҳисобланади;

«UNICON.UZ» — «Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари» ДУК Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимини яратиш, янада такомиллаштириш ва унга техник хизмат кўрсатиш ишларини амалга оширади, шунингдек, унинг самарали ва узлуксиз ишлашини таъминлайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Бош прокуратура, Давлат солиқ қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2019 йил 1 апрелга қадар муддатда:

фуқароларни уйма-уй юриб ўрганиш орқали уларнинг паспорт маълумотларини кўчмас мулк объектининг кадастр рақамига боғлаган ҳолда Ички ишлар вазирлиги маълумотлар ахборот базасидаги фуқароларнинг доимий ва вақтинча яшаш жойлари манзиллари тўғрисидаги ахборотни тўлиқ долзарблаштиришни ўтказишни;

туманлар (шаҳарлар) ва ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш секторлари раҳбарларини уйма-уй юриб ўрганишни ташкил этишга жалб этишни;

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда фуқароларнинг паспорт маълумотларини кўчмас мулк объектнинг кадастр рақамига боғлаган ҳолда Ички ишлар вазирлиги маълумотлар ахборот базасини Кўчмас мулк объектларининг ягона реестрига ва Кўчмас мулк объектлари манзилларининг ягона реестрига мувофиқлаштирилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда 2019 йил 1 апрелга қадар муддатда кўчмас мулк объектларини хатловдан ўтказсин ва хатлов натижаларига кўра Кўчмас мулк объектларининг ягона реестри ва Кўчмас мулк объектлари манзилларининг ягона реестрини шакллантириш жараёнини якунига етказсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ушбу қарорнинг 4-бандига мувофиқ уйма-уй юриб ўрганиш натижасида тўпланган ахборотни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг маълумотлар ахборот базасига киритиш учун компьютер ускуналари билан жиҳозланган зарур хоналар ва ходимларни ажратсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг талабномаларига кўра ушбу қарорнинг 4-бандига мувофиқ уйма-уй юриб ўрганиш натижасида тўпланган ахборотни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг маълумотлар ахборот базасига киритиш учун ажратилган хоналарнинг белгиланган тартибда маълумотлар узатиш тармоқларига уланишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда Кўчмас мулк объектларининг ягона реестри ва Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестрининг «Электрон ҳукумат» тизимига интеграциялашувини таъминласин;

Сайлов участкасини аниқлаштириш ва уни ўзгартириш имкониятини тақдим этиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимининг «Электрон ҳукумат» тизимига интеграциялашувини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Марказий сайлов комиссияси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2018-

2019 йилларда сайлов комиссиялари вакилларини Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими, шу жумладан, СЯЭР билан ишлаш кўникмаларига ўқитишни таъминласин.

9. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

10. Қўйидагилар молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

кўчмас мулк объектларини хатловдан ўтказишни ҳамда Кўчмас мулк объектларининг ягона реестри ва Кўчмас мулк объектлари манзилларининг ягона реестрини шакллантириш бўйича — 20 фоизи Ер муносабатлари ва давлат кадастрини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, 80 фоизи Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг маълумотлар ахборот базасини модернизация қилиш бўйича — вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари;

хоналарни ушбу қарорнинг 4 ва 7-бандларига мувофиқ маълумотлар узатиш тармоқларига улаш бўйича — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари.

11. Қўйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига — фуқароларни уйма-уй юриб ўрганиш орқали уларнинг паспорт маълумотларини кўчмас мулк объектининг кадастр рақамига боғлаган ҳолда Ички ишлар вазирлигининг ахборот базасидаги фуқароларнинг доимий ва вақтинча яшаш жойлари манзиллари тўғрисидаги ахборотнинг тўлиқ долзарбластирилиши учун;

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси А.Х. Абдуллаев зиммасига — кўчмас мулк объектларининг тўлиқ хатловдан ўтказилиши ҳамда Кўчмас мулк объектларининг ягона реестри ва Кўчмас мулк объектлари манзилларининг ягона реестрини шакллантириш бўйича ишларнинг якунига етказилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.М. Содиқов зиммасига — Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимининг янада такомиллаштирилиши ва тўлиқ ишлаши, шунингдек, сайлов комиссиялари сайлов вақтида маълумотлар узатиш тармоқларига узлуксиз уланишини таъминлаш учун;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига — фуқароларнинг яшаш жойлари манзиллари тўғрисидаги ахборотни долзарбластириш ва сайлов вақтида сайлов комиссиялари Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимидан самарали фойдаланиши учун зарур хоналар, замонавий ускуналар ва ходимлар тақдим этилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Э. Абдусаломов зиммасига — сайлов комиссиялари вакилларини Сай-

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лов жараёнини бошқариш ахборот тизими билан ишлаш кўникмаларига ўқитиш ва давлат органларининг улар зиммасига сайлов жараёнига СЯЭРни жорий этиш учун зарур шароитларни яратишга доир юкланган мажбуриятларининг бажарилиши устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш учун шахсий жавобгарлик юклансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 апрелдаги «Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3662-сон қарорининг 8-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 4 октябрь,
ПҚ–3961-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**799 Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида***

Жамият ҳаётининг барча соҳаларида олиб борилаётган ислохотларнинг самарали амалга оширилиши, биринчи навбатда, давлат ҳокимиятининг барча бўғинларида ижро интизомининг зарур даражада ташкил этилишига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 9 августдаги Ф-5017-сон фармойишига мувофиқ вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларни «Ijro.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимига (кейинги ўринларда — «Ijro.gov.uz» тизими) уланиши таъминланди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ҳисоб палатаси томонидан «Ijro.gov.uz» тизими орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 800 дан ортиқ қарорлари ва топшириқларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши юзасидан тест режимида тизимли назорат олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, яратилган шароитларга қарамасдан, айрим вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ижро интизоми назоратини сифатли ва самарали ташкил қилиш, шунингдек, ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ханузгача талаб даражасида йўлга қўйилмаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларига риоя этиш масалаларида масъулиятсизлик ва расмиятчилик ҳолатлари учрамоқда, жамоатчилик назоратини ташкил этиш учун зарур шароитлар яратиш борасидаги чоралар самарасизлигича қолмоқда, иш юритишнинг ички жараёнларини автоматлаштириш бўйича таъсирчан чоралар кўрилмаяпти, шунингдек, ижро интизомига консерватив-буйруқбозлик билан ёндашилишига йўл қўйилмоқда.

Ижро интизомини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва топшириқларининг ижроси устидан назорат тизимини такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларининг тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилиши юзасидан назорат олиб борувчи, шунингдек, «Ijro.gov.uz» тизими бўйича ишларни мувофиқлаштирувчи масъул давлат органи ҳисобланади;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 6 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Ijgo.gov.uz» тизимини доимий асосда техник қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштиришни таъминловчи ишчи орган хисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси тузилмалари махфийлик белгиси остидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари маълумотлар базасини юритиш ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш учун масъул;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази оммавий ахборот воситаларида вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларининг ижро этилиши ҳақидаги жамоатчилик фикрини баҳолаб бориш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Бош прокуратурасига ахборот киритиб бориш учун масъулдир.

2. «Ijgo.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимининг ишлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Ҳисоб палатаси, вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар ушбу низомга мувофиқ «Ijgo.gov.uz» тизимида доимий ишлашнинг ташкил қилинишини таъминласинлар.

3. Белгилансинки:

2019 йил 1 январдан бошлаб республика ва ҳудудлар даражасидаги мажлис ва йиғилишларни ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўтказиладиган йиғилишлар бундан мустасно, фақатгина «Ijgo.gov.uz» тизимидаги мажлислар ва йиғилишлар махсус марказлашган маълумотлар базасига ўтказиладиган тадбирнинг мақсади, натижалари, иштирокчилар таркиби ва давомийлиги кўрсатилган қайдлар киритилганидан сўнг амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва топшириқларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси тузилмалари ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан яқиндан ҳамкорлик қилади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва топшириқларида белгиланган ижро муддатлари фақатгина Ўзбекистон Республикаси Президенти рухсати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси билан келишилгандан сўнг узайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Бош прокуратура билан биргаликда мажлислар ва йиғилишларнинг «Ijgo.gov.uz» тизимидаги марказлашган маълумотлар базасида қайд этилмаган ҳолда ўтказилишига йўл қўймаслик юзасидан тизимли назоратни амалга оширади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ҳисоб палатаси ва Бош прокуратурасига:

вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларининг аниқ амалий натижаларга эришилиши таъминланмасдан туриб, юзаки бажарилишига йўл қўймаслик;

вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларининг ижро ҳолати тўғрисида маълумотларнинг «Ijgo.gov.uz» тизими орқали ўз вақтида тақдим этилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари ижро ҳолатини вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ҳар ойда муҳокама қилинишини таъминлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб бориш;

бюрократик тўсиқлар ва муаммоларни ҳал этиш муддатларининг чўзилиши ҳолатларини бартараф этиш орқали вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари ижро этилишида доимий равишда кўмаклашиб бориш вазифалари юклансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларини тўлиқ ва ўз вақтида бажармаган, шунингдек, «Ijgo.gov.uz» тизими орқали ижро ҳолати тўғрисида маълумотларни тўлиқ бўлмаган ҳолда, нотўғри ва кечиктириб тақдим этган, буйруқбозликка ва масалаларни ҳал этишда муддат бузилишига йўл қўйган вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларини жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритиб борсин;

вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларга «Ijgo.gov.uz» тизими орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларининг ижроси ҳолати тўғрисида маълумотларни тўлиқ бўлмаган ҳолда, нотўғри ва кечиктириб тақдим этган ходимларга нисбатан интизомий чоралар кўриш тўғрисида тақдимномалар киритиб борсин.

Белгилансинки, вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тақдимномалари ва талаблари бажарилмаган тақдирда тегишли материаллар жавобгарлик чораларини кўриш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига тақдим этилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси билан биргаликда 2019 йил 1 январга қадар Ягона интерактив давлат хиз-

матлари портали фаолияти доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ижроси юзасидан аҳоли, сенаторлар, депутатлар, тадбиркорлик субъектлари ва нодавлат ноtijjорат ташкилотлари томонидан жамоатчилик назорати механизмининг амалга оширилишини таъминловчи «Jamootfikri.uz» порталининг ташкил этилиши ва йўлга қўйилишини таъминласин.

7. «Ijro.gov.uz» тизими ва «Jamootfikri.uz» порталини ташкил этиш, техник қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштириш чора-тадбирларини молиялаштириш Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши белгилансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси тузилмалари ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасини «Ijro.gov.uz» тизимига мониторинг режимида уланишини таъминласин;

икки ой муддатда ҳар бир давлат органи ва ташкилотларида, уларнинг ҳудудий бўлинмаларида мажлислар ва йиғилишларни жисмоний шахслар иштирокисиз масофадан ўтказиш имконини берувчи замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш бўйича таклифлар киритсин;

2018 йил 1 декабрга қадар давлат органлари ва ташкилотларида мавжуд электрон ҳужжатлар алмашинуви тизимларининг хатловдан ўтказилишини таъминласин;

2019 йил 1 январга қадар «Ijro.gov.uz» тизимида республика ва ҳудудлар даражасида ўтказиладиган мажлис ва йиғилишлар марказлашган маълумотлар базасини яратсин ва йўлга қўйсин;

2019 йил 1 июлга қадар электрон ҳужжатлар алмашинуви тизимларини «Ijro.gov.uz» тизимига интеграция қилиш мақсадида ягона талаблар, шунингдек, ушбу тизимнинг давлат бошқаруви органлари ва ташкилотларнинг электрон ҳужжат алмашинуви тизимлари билан мувофиқлаштириш бўйича интеграциявий шлюз ишлаб чиқилишини таъминласин.

9. 2019 йил 1 январдан бошлаб:

давлат органлари ва ташкилотларида қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларини махсус журнал ва ҳисоб варақаларида рўйхатга олиш тартиби;

қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари бўйича ҳисоб картотекаларининг қоғоз шаклида расмийлаштирилиши ва юритилиши бекор қилинсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва топшириқлари бўйича ижро интизомини назорат қилиш жараёнини, кейинчалик «Ijro.gov.uz» тизими билан интеграция қилган ҳолда, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишини таъминласин.

11. Белгилансинки, адлия органлари маҳаллий ижро ҳокимияти орган-

ларига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тайёрланиши ва келишилишида амалий ёрдам кўрсатадилар.

12. Қўйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири (Арипов), унинг ўринбосарлари (Раматов, Қўчқоров, Холмуродов, Султонов, Отажонов, Абдуҳакимов, Мирзаев, Норбоева), шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисига (Абдуқодиров) — Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва топшириқларининг масъул вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши юзасидан ишларнинг ташкил қилиниши учун;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарига (Низомиддинов), Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиларига — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида ижро интизомини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларининг амалга оширилишида кўмаклашиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига (Муродов) — вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари самарали ижро этилиши юзасидан тегишли прокурор назорати таъминланиши, шунингдек, уларни тўлиқ бўлмаган ҳолда ва кечиктириб бажарган шахсларга нисбатан жавобгарлик чоралари кўрилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раисига (Икромов) — вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларда ижро интизомини тегишли даражада таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва топшириқларининг сўзсиз, тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирига (Содиқов) — «Ijro.gov.uz» тизими ва «Jamotfikri.uz» порталининг такомиллаштирилиши, узлуксиз ишлаши ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича доимий асосда чоралар кўриб борилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирига (Давлетов) — норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида топшириқлар ижросининг аниқ муддатлари белгиланиши, шунингдек, уларнинг аниқ ва равшан баён қилиниши юзасидан назоратни таъминлаш учун;

вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига — Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва топшириқларининг тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилиши, шунингдек, уларнинг ижро ҳолати тўғрисидаги маълумотлар «Ijro.gov.uz» тизими орқали тўлиқ, тўғри ва ўз вақтида тақдим қилиниши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б. Муродов, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раиси М.М. Икрамов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 5 октябрь,
ПҚ-3962-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 5 октябрдаги
ПҚ-3962-сон қарорига
ИЛОВА

**«Ijgo.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон
тизимининг ишлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Ijgo.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими (бундан кейин — «Ijgo.gov.uz» тизими)нинг ишлаш тартибини белгилайди.

«Ijgo.gov.uz» тизими Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг раислиги остида ўтказилган кенгашлар баённомаларида белгиланган топшириқлар (бундан кейин — Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари) бажарилишининг назоратини таъминловчи ахборот тизими ҳисобланади.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг махфийлик грифи бўлган ҳужжатлар ва топшириқлар бундан мустасно, сифатли ва ўз вақтида бажарилишининг назоратини таъминловчи, шунингдек, «Ijgo.gov.uz» тизими ишлашининг координатори сифатида иш кўрадиган Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси;

оператор — «Ijgo.gov.uz» тизимини вазирликлар, идоралар, маҳаллий

давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятига жорий қилиш учун жавобгар бўлган, шунингдек, унинг узлуксиз ишлаши ва ахборот хавфсизлигини таъминловчи Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги қошидаги «UNICON.UZ» давлат унитар корхонаси;

«Ijro.gov.uz» тизими иштирокчилари — «Ijro.gov.uz» тизимида ҳаракатланаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар;

«Ijro.gov.uz» тизими фойдаланувчилари — «Ijro.gov.uz» тизимини қўллаган ҳолда ўз лавозим мажбуриятлари доирасида ҳаракатланаётган «Ijro.gov.uz» тизими иштирокчиларининг раҳбарлари ёки ваколатли ходимлари.

3. «Ijro.gov.uz» тизимининг асосий вазифалари:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларида кўзда тутилган топшириқларни ўз вақтида, сифатли, самарали ҳамда натижадорлик билан ижро этилишини таъминлаш;

«Ijro.gov.uz» тизимига уланган иштирокчилар учун ягона ахборот маконини яратиш (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги Ф-5017-сон фармойиши билан тасдиқланган «Ijro.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимига уланадиган вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг рўйхатига мувофиқ);

вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларида белгиланган вазифалар ва топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши учун шахсий жавобгарлигини кучайтириш;

ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини қўллаш, шунингдек, иш юритиш ички жараёнларини автоматлаштириш орқали вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш;

«Ijro.gov.uz» тизими иштирокчилари ўртасида мунтазам идоралараро электрон ҳамкорлигини таъминлаш.

4. «Ijro.gov.uz» тизими орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларида белгиланган вазифалар ижросини назорат қилиш идоралараро электрон ҳамкорлик ушбу Низомнинг иловасига* мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларини «Ijro.gov.uz» тизимига киритиш тартиби

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг канцелярияси томонидан тегишли ҳужжат қабул қилинган кундан бошлаб бир

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

иш кунидан кечиктирмай «Ijro.gov.uz» тизими орқали Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқларининг электрон нусхаларини тарқатиш, шу жумладан ваколатли давлат органига юбориш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли топшириғини шакллантириш амалга оширилади. Шошилиш топшириқлар «Ijro.gov.uz» тизими орқали дарҳол жўнатилиши керак.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларининг электрон нусхалари олинган кундан бошлаб — бир иш куни давомида ваколатли давлат органи томонидан масъул ижрочилари ва бажариш муддатлари кўрсатилган ҳолда «Ijro.gov.uz» тизимига назорат топшириқлари киритилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари ижро назоратини таъминлаш бўйича бириктирилган масъул таркибий бўлинмалари) томонидан «Ijro.gov.uz» тизими орқали келиб тушган назорат бандлари белгиланган тартибда қабул қилинади ва бир иш кунидан кечиктирмай Вазирлар Маҳкамаси Аппаратидаги масъул бажарувчиларга юборилади.

8. «Ijro.gov.uz» тизимига киритилган назорат топшириқлари «Ijro.gov.uz» тизими иштирокчиларининг раҳбарларида, шунингдек, ижро интизоми учун масъул бўлган шахсларда акс этади.

3-боб. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқларини ижро этиш сифати ва муддатларига риоя этилишининг «Ijro.gov.uz» тизими орқали назорат қилиш тартиби

9. Ваколатли давлат органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари ижросининг мунтазам назорати ва таҳлили таъминланади.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқларининг сифатли ва ўз вақтида ижро этилишини назорат қилиш мақсадида ваколатли давлат органига «Ijro.gov.uz» тизими орқали ижро натижалари билан танишиб чиқишга рухсат берилади.

11. «Ijro.gov.uz» тизими иштирокчилари — масъул бажарувчилар тегишли назорат топшириқларининг бажариш муддатлари яқинлашгани тўғрисида «Ijro.gov.uz» тизими орқали мунтазам хабардор қилинадилар.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқларининг назорат бандлари ижро этилгани натижаларига асосан масъул ижрочилар томонидан «Ijro.gov.uz» тизимида белгиланган муддатларда ҳисоботга (назорат топшириғига бериладиган жавобга) тегишли ахборот (исботловчи ҳужжатлар) PDF форматда илова қилинади.

13. Назорат бандларини бажариш натижалари тўғрисидаги ҳисоботда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларида кўзда тутилган мақсад ва вазифаларга эришишнинг аниқ йўналишлари кўрсатиб берилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги тегишли масъул ижрочилар томонидан назорат бандларини бажариш натижаларини келишиб олиш бир иш кунидан кечиктирмаган ҳолда қуйидаги тартибда амалга оширилади:

назорат бандлари қониқарсиз бажарилганида ижро натижалари қайта ишлаш учун масъул ижрочига юборилади;

назоратга олинган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқларининг назорат бандлари қониқарли даражада бажарилганида «Ijro.gov.uz» тизимига тасдиқ маълумоти киритилади.

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқларининг назорат бандларини бажариш натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш ваколатли орган томонидан уч иш кунидан кечиктирмай қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларида кўзда тутилган назорат бандлари масъул ижрочилар томонидан тўлиқ ва сифатли бажарилганида ваколатли давлат органи томонидан ушбу топшириқлар «Ijro.gov.uz» тизимида назоратдан олинади;

Назорат бандларини бажариш натижалари қониқарсиз деб топилганида ваколатли орган томонидан ушбу назорат бандини қайта ишлаш учун тегишли масъул бажарувчига «Ijro.gov.uz» тизими орқали бошқатдан юборилади.

16. Ваколатли давлат органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларида белгиланган назорат бандларининг ижро натижалари тўғрисидаги ахборотлар Ўзбекистон Республикаси Президентига мунтазам тақдим этилади.

4-боб. Фойдаланувчиларнинг «Ijro.gov.uz» тизимидан фойдаланишларини ташкил қилиш тартиби

17. Фойдаланувчиларнинг «Ijro.gov.uz» тизимидан фойдаланишларини ташкил қилиш оператор томонидан амалга оширилади.

18. «Ijro.gov.uz» тизимининг ишлашини техник қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадида оператор қуйидагиларни амалга оширади:

«Ijro.gov.uz» тизими фойдаланувчиларини рўйхатга олиш, улаш ва ўқитиш;

«Ijro.gov.uz» тизимини модернизациялаш ва «Ijro.gov.uz» тизимининг янги версияларини ишга тушириш;

«Ijro.gov.uz» тизимининг фойдаланувчиларига Call-марказ орқали «Ijro.gov.uz» тизимини эксплуатация қилиш бўйича, шу жумладан «Ijro.gov.uz» тизимида фойдаланувчиларнинг хато ёки нотўғри ишлашларининг олдини олиш бўйича маслаҳатлар бериш;

«Ijro.gov.uz» ишининг функционал ва фойдаланиш характеристикаларини яхшилаш мақсадида тизимнинг ишлашини таҳлил қилиш.

19. «Ijro.gov.uz» тизимига янги фойдаланувчиларни улаш учун опера-

торнинг почта манзилига белгиланган шаклдаги тўлдирилган аризалар юборилади. Аризаларнинг шакллари «Ijro.gov.uz» тизимидан олиш мумкин.

20. Оператор аризани олган кундан бошлаб уч иш куни давомида «Ijro.gov.uz» тизимининг фойдаланувчиси билан шартнома тузиши лозим.

21. «Ijro.gov.uz» тизимида уланиш тўғрисидаги шартнома тузилгандан ва операторнинг банкдаги ҳисоб рақамига тўлов келиб тушгандан сўнг оператор уч иш куни давомида:

ҳимояланган аппарат қурилмаларида уланаётган янги фойдаланувчининг электрон рақамли имзосининг ёпиқ калитини ва очиқ калитининг сертификати генерациялашни;

«Ijro.gov.uz» тизимининг янги фойдаланувчисига ёки иштирокчисининг ишончли вакилига электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити ва очиқ калитининг сертификати бўлган ҳимояланган аппарат қурилмаси берилишини таъминлаши шарт.

5-боб. «Ijro.gov.uz» тизимида фойдаланувчилар тўғрисидаги маълумотларни бошқариш

22. «Ijro.gov.uz» тизимининг иштирокчиси тўғрисидаги маълумотларнинг бошқарилишини оператор таъминлайди.

23. «Ijro.gov.uz» тизимининг фойдаланувчилари тўғрисидаги маълумотларни бошқариш (маълумотларни киритиш, ўзгартириш, янгилаш, ўчириш) «Ijro.gov.uz» тизимининг иштирокчиси — ташкилот кадрлар бўлинмасининг ходими томонидан амалга оширилади.

24. «Ijro.gov.uz» тизимининг фойдаланувчиси тўғрисида маълумотлар киритилгандан кейин унга электрон рақамли имзонинг ёзилган ёпиқ калити ва очиқ калитининг сертификати эга ҳимояланган аппарат қурилмаси берилади.

25. «Ijro.gov.uz» тизимида кириш учун «Ijro.gov.uz» тизимининг фойдаланувчиси томонидан ҳимояланган аппарат қурилмасидан фойдаланилади.

26. Ходим («Ijro.gov.uz» тизимининг фойдаланувчиси) билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ҳимояланган аппарат қурилмаси «Ijro.gov.uz» тизимининг иштирокчиси — ташкилотнинг кадрлар бўлинмасига топширилиши керак.

27. «Ijro.gov.uz» тизимининг иштирокчиси — ташкилотнинг кадрлар бўлинмасига топширилган ҳимояланган аппарат қурилмаси, кадрлар бўлинмаси томонидан ҳимояланган аппарат қурилмасининг эгасини алмаштириш учун операторга сўров юборилгандан сўнг, «Ijro.gov.uz» тизимининг янги фойдаланувчисига берилиши мумкин.

6-боб. Яқуний қоидалар

28. «Ijro.gov.uz» тизимининг фойдаланувчилари Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришнинг бориши тўғрисидаги ахборотни ўз вақтида, тўлиқ

ва сифатли тақдим этилиши, шунингдек, «Ijgo.gov.uz» тизимида ишлаганда ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун жавобгар ҳисобланадилар.

29. «Ijgo.gov.uz» тизими иштирокчиларининг раҳбарлари кўтарилган масалаларни ва юзага келган муаммоларни ҳал қилишга, шунингдек, олдиндан қўйилган мақсадларга эришишни сўзсиз таъминлашга қаратилган вазифаларни бажариш натижалари ўз вақтида ва сифатли тақдим этилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланадилар.

30. Оператор «Ijgo.gov.uz» тизимининг узлуксиз ишлаши ва ахборот хавфсизлиги учун жавобгар ҳисобланади.

31. Зарур бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижросининг назоратини ташкил қилиш жойларга чиққан ҳолда амалга оширилиши мумкин.

32. Вазирлар Маҳкамаси таркибига кирмайдиган давлат органларида ва ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқларининг ижросини ва назоратини ташкил қилиш ҳам ушбу Низомда кўзда тутилган тартибда амалга оширилади.

33. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

800 Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бериладиган тасдиқловчи ҳужжатлар турларини тубдан қисқартириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 12 декабрдаги ПФ–5278-сон Фармонида мувофиқ ҳамда давлат хизматларининг кўрсатилишида бюрократизм, сансалорлик ва бошқа маъмурий тўсиқларни янада бартараф этиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мазкур соҳадаги фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2018 йил 15 октябрдан давлат ва хўжалик органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан давлат хизматлари кўрсатилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг қуйидаги тасдиқловчи ҳужжатларини тақдим қилиш бўйича тартиб бекор қилинсин:

а) қуйидаги фактларни тасдиқловчи:

шахснинг яшаш жойи бўйича (прописка қилинганлиги) яшаётганлиги;

шахснинг ишсизлиги;

болани, ёлғиз шахсларни, пенсионерларни ва ногиронларни парвариш қилганлиги ҳақида;

б) шахснинг тавсифномаси.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра фуқароларга давлат хизматлари кўрсатилиши жараёнида шахснинг яшаш жойи бўйича (прописка қилинганлиги) яшаётганлиги ҳамда унинг ишсизлигини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш зарурияти туғилганда, давлат ва хўжалик органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мазкур маълумотларни тегишинча Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги органларидан мустақил равишда, шу жумладан идоралараро электрон ҳамкорлик орқали сўраб олади.

3. Белгилансинки, 2020 йил 1 январдан бошлаб, давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида оила таркиби, шу жумладан қариндошлик даражаси ва фуқаронинг оилавий аҳволи ҳақидаги маълумотлар давлат ва хўжалик органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тўғридан-тўғри

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 4 октябрда эълон қилинган.

фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларидан мустақил равишда сўраб олинади.

4. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашига икки ой муддатда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тасдиқловчи ҳужжатларни, уларни бериш аниқ муддатларини ва бепуллигини назарда тутган ҳолда, фуқароларга тақдим қилиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага* мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

Белгилансинки, киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар 2018 йил 15 октябрдан бошлаб кучга киради.

6. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 3 октябрь,
789-сон

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

801 Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналар- нинг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
29 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3073*

Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғри-
сида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун
мўлжалланган махсус қабулхоналарнинг ички тартиб қоидалари иловага
мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ 2019 йил 11 январь кунидан эътиборан кучга ки-
ради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 14 август,
220-сон

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2018 йил
14 августдаги 220-сон буйруғига
ИЛОВА

Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарнинг ички тартиб ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий қамоқни
ўташ тартиби тўғрисида»ги Қонунига (бундан буён матнда Қонун деб юри-
тилади) мувофиқ маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва
сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарнинг (бундан буён матнда
махсус қабулхона деб юритилади) ички тартиб қоидаларини белгилайди.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 2 ок-
тябрда эълон қилинган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Махсус қабулхонанинг кун тартиби махсус қабулхоналар томонидан мазкур Қоидаларнинг 1-иловасида белгиланган намунавий кун тартибига асосан ишлаб чиқилади ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг (бундан буён матнда ИИБ-ИИББ-ИИБ деб юритилади) Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармалари (бундан буён матнда ППХваЖТСБ деб юритилади) бошлиқлари томонидан тасдиқланади.

2. Махсус қабулхонада маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишини, мажбуриятлари бажарилишини, уларнинг ажратиб қўйилишини, алоҳида-алоҳида жойлаштирилишини, шунингдек Қонунда назарда тутилган бошқа вазифалар бажарилишини таъминлайдиган режим ўрнатилади.

3. Махсус қабулхонада режимни ташкил этиш ва таъминлаш махсус қабулхона маъмурияти ва ходимлари зиммасига юклатилади.

4. Махсус қабулхонада маъмурий қамоққа олинган шахслар Қонунда белгиланган мажбуриятлар ҳамда мазкур Қоидаларнинг 2-иловасида белгиланган хулқ-атвор қоидаларини бажаради.

2-боб. Махсус қабулхона ҳудудига кириш ва ундан чиқиш

5. Шахсларнинг махсус қабулхона ҳудудига кириши ва ундан чиқиши уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати ҳамда махсус қабулхона бошлиғи рухсатига асосан бериладиган бир марталик рухсатнома асосида амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) махсус қабулхонага монеликсиз кириш ҳуқуқига эга. Бунда махсус қабулхона маъмурияти томонидан Вакилнинг хавфсизлиги таъминланади.

Жиноят-ижроия кодексининг 18-моддасида назарда тутилган субъектлар махсус қабулхонага кириш ҳуқуқига эга. Мазкур шахсларнинг махсус қабулхонага кириш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

7. Қуйидаги шахслар махсус қабулхонага хизмат гувоҳномасини кўрсатган ҳолда кириш ҳуқуқига эга:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари ва Сенатининг аъзолари;

Ўзбекистон Республикаси судьялари;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар ва уларнинг ўринбосарлари;

Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар вазири ва унинг ўринбосарлари;

Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги марказий апаратининг бош бошқарма ва бошқарма бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда тегишли бўлим (бўлинма) ходимлари;

тегишли ички ишлар бошқармалари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимларининг масъул ходимлари;

махсус қабулхона ходимлари ҳамда махсус қабулхонада меҳнат шартномаси асосида ишловчи ишчи ва хизматчилар.

8. Назорат қилувчи прокурор муассасага монеликсиз ва исталган вақтда киришга, ҳамма камералар билан танишишга ҳамда махсус қабулхонада сақланаётган шахслар билан суҳбатлашишга ҳақли.

9. Маъмурий қамоққа олинган шахс адвокат олган тақдирда махсус қабулхона маъмурияти адвокатнинг махсус қабулхона ҳудудига иш вақти давомида монеликсиз иш юритувидаги ҳужжат юзасидан киришини таъминлайди.

10. Махсус қабулхона ҳудудига киришда ва ундан чиқишда шахсларнинг ашёлари, кийим-бошлари ва пойабзаллари кўздан кечирилади, шунингдек кираётган ҳамда чиқиб кетаётган транспорт воситалари кўздан кечирилади, мазкур Қоидаларнинг 3-иловасига мувофиқ тақиқланган ашёлар ва озик-овқат маҳсулотлари олиб кўйилади.

11. Махсус қабулхона ҳудудига киришда адвокатларнинг, махсус қабулхонани назорат қилувчи ва текширувчи мансабдор шахсларнинг ашёлари, кийим-бошлари ва пойабзаллари кўздан кечирилмайди. Мазкур шахслар келганда, ўқотар қурол ҳамда бошқа тақиқланган ашёларни махсус қабулхонанинг навбатчилик қисмига топшириши шарт.

3-боб. Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва камераларга жойлаштириш

12. Махсус қабулхонага маъмурий қамоққа олинган шахслар қуйидаги ҳужжатлар асосида қабул қилинади:

туман (шаҳар) маъмурий судининг қарори, фавқулодда ҳолат режими шароитларида эса шунингдек ҳарбий комендантнинг ёки ички ишлар органи бошлиғининг қарори;

маъмурий қамоққа олинган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати.

13. Махсус қабулхонага олиб келинган шахслар махсус қабулхона навбатчиси томонидан сутка давомида қабул қилинади.

14. Махсус қабулхона навбатчиси томонидан маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш вақтида уларни қабул қилиш учун асос бўладиган ҳужжатлар текшириб кўрилади, турли ноаниқликларнинг олдини олиш мақсадида маъмурий қамоққа олинган шахсларга саволлар берилиб, уларнинг берган жавобларини махсус қабулхонага қабул қилиш учун асос

бўладиган ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ҳамда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари билан солиштирилади ва ушбу маълумотлар махсус қабулхонага қабул қилинган шахсларни рўйхатдан ўтказиш журналига қайд этилади.

15. Қонун талаблари бузилган ҳолда расмийлаштирилган ҳужжатлар асосида олиб келинган шахслар махсус қабулхонага қабул қилинмайди.

16. Махсус қабулхонада маъмурий қамоққа олинган шахслар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари ҳамда махсус қабулхонадаги режим тўғрисида хабардор қилинади. Бундай маълумотлар ҳар бир камера деворларига осиб қўйилади.

17. Махсус қабулхона маъмурияти маъмурий қамоққа олинган шахс махсус қабулхонага жойлаштирилган пайтдан бошлаб унга телефон орқали адвокатга, қариндошларига ёхуд бошқа шахсларга маъмурий қамоққа олинган шахс махсус қабулхонага жойлаштирилганлиги тўғрисида қўнғироқ қилиш ёки хабар қилиш ҳуқуқини бериши ва маъмурий қамоққа олинган шахс бу ҳуқуқидан фойдаланганлигини тасдиқлаб махсус қабулхонага қабул қилинган шахсларни рўйхатдан ўтказиш журналига имзоси билан тасдиқлаши шарт.

Агар махсус қабулхонага жойлаштирилган шахс чет эл фуқароси бўлса, унинг махсус қабулхонага жойлаштирилганлиги тўғрисидаги ёзма билдириш Қонунга мувофиқ йигирма тўрт соатдан кечиктирмай махсус қабулхона масъул ходимлари томонидан почта орқали Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига юборилади.

18. Бошқа шахслардан ажратиб қўйиш талаб қилинадиган беморларни аниқлаш мақсадида махсус қабулхонага олиб келинган шахслар дастлабки тиббий кўрик ва санитария ишловидан ўтказилади.

19. Тиббиёт ходимлари томонидан чиқарилган хулосага кўра стационар шароитда даволанишга муҳтож бўлган шахслар махсус қабулхонага қабул қилинмайди.

20. Маъмурий қамоққа олинган шахсларни камераларда алоҳида-алоҳида жойлаштириш уларнинг шахси ва психологик жиҳатдан мослиги ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади. Чекувчилар чекмайдиганлардан алоҳида жойлаштирилади.

Маъмурий қамоққа олинган шахсларни жойлаштириш чоғида эркакларнинг аёллардан алоҳида жойлаштирилиши таъминланиши шарт.

Қуйидагилар маъмурий қамоққа олинган бошқа шахслардан алоҳида жойлаштирилади:

чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

юқумли касалликларга чалинган беморлар ёки тиббий кузатувга муҳтож бўлган шахслар;

собик судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг собик ходимлари, собик адвокатлар;

хаёти ва соғлигининг хавфсизлигини таъминлаш манфаатларидан келиб чиққан ҳолда айрим шахслар.

Маъмурий қамоққа олинган шахсларни бир кишилик камераларда сақ-

лаш ушбу банднинг бешинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошиларида назарда тутилган талабларга риоя этилишини таъминлашнинг бошқа имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда амалга оширилади.

21. Ўта хавфли, юқумли ёки паразитар касалликлар билан касалланган шахслар карантин учун ажратилган камераларга жойлаштирилади. Карантин муддати тиббий кўрсаткичларга мувофиқ белгиланади.

22. Руҳий бузилишлари мавжуд бўлган шахслар, жумладан махсус қабулхона ходимларига ва махсус қабулхонада сақланаётган бошқа шахсларга тажовуз қилишга мойил бўлган шахслар камераларга тиббиёт ходимининг тавсиясига кўра жойлаштирилади.

23. Маъмурий қамоққа олинган шахслар махсус қабулхонанинг умумий камераларида сақланади.

Махсус қабулхонанинг бир кишилик камераларига жойлаштиришга:

мазкур Қоидаларда назарда тутилган алоҳида-алоҳида жойлаштириш талабларига риоя этилишини таъминлашнинг бошқа имконияти мавжуд бўлмаганда;

маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб;

маъмурий қамоққа олинган шахсларни, агар кундузи умумий камерада сақланаётган бўлса, тунги вақтда бир кишилик камерага жойлаштириш зарур бўлганда йўл қўйилади.

24. Маъмурий қамоққа олинган шахслар томонидан махсус қабулхонанинг бошқа камераларда ёки ўзга хоналарда сақланаётган шахслар билан сўзлашишига, уларга бирон-бир нарса беришига ҳамда улар билан ёзишмалар олиб боришига йўл қўйилмайди.

25. Ажратиб қўйишни таъминлашга доир талабларга махсус қабулхона ҳудуди ва йўлагига, сайр қилиш вақтида, санитар ишлов вақтида ва бошқа ҳолларда ҳам риоя этилиши керак.

4-боб. Махсус қабулхонада шахсларни шахсий кўрикдан ўтказиш, уларнинг бармоқ изларини рўйхатга олиш, ушбу шахсларни фотосуратга олиш, ашёлари ва озиқ-овқат маҳсулотларини кўздан кечириш

26. Маъмурий қамоққа олинган шахслар махсус қабулхонада шахсий кўрикдан ўтказилади, уларнинг бармоқ излари ҳамда фотосурати олинади. Улар жойлаштирилган хоналар кўрикдан ўтказилади, уларнинг ёнидаги ашёлари ҳамда номига келган почта жўнатмалари ва йўқловлар эса кўздан кечирилади.

27. Махсус қабулхонага бир гуруҳ маъмурий қамоққа олинган шахслар келтирилган вақтда, улар икки соатдан ошмаган муддат ичида шахсий кўрикдан ўтказилиши шарт.

28. Шахсий кўрик тўлиқ ёки тўлиқсиз шаклда ўтказилиши мумкин.

29. Тўлиқ шахсий кўрик маъмурий қамоққа олинган шахс махсус қабулхонага олиб келинганда ва олиб кетилаётганда ўтказилади.

30. Тўлиқ шахсий кўрик ўтказишда шахс тўлиқ ечинтирилиб, унинг бадани, кийим-боши, пойабзали, махсус қабулхона тиббиёт ходими назорати остида протезлари, пластир ёпиштирилган, гипсли ва бошқа боғланган жойлари бирма-бир синчиклаб текширилади. Кийим-боши орасида тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг мавжудлиги аниқланган тақдирда, кийим-бошининг чоки сўкилади, пойабзалида мавжуд супинатор ва темир нағал эса, ажратиб олинади.

31. Тўлиқсиз шахсий кўрик қўйидаги ҳолларда ўтказилади:

маъмурий қамоққа олинган шахслар махсус қабулхона тиббиёт хонасига, сайрга, бармоқ изларини олиш ёки фотосуратга олишга олиб чиқиладиганда, шунингдек қайтариб олиб кириладиганда;

ҳимоячи, қонуний вакил, қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашувга олиб чиқиладиганда, шунингдек қайтариб олиб кириладиганда;

бошқа камерага ўтказиладиганда.

32. Тўлиқсиз шахсий кўрик ўтказишда шахс ечинтирилмасдан кўздан кечирилади, унинг кийим-боши, пойабзали пайпаслаб текширилади. Шахсда тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари мавжудлиги аниқланган тақдирда, тўлиқ шахсий кўриқдан ўтказилади.

33. Шахсий кўрик махсус қабулхонанинг кўрик қилинаётган шахс билан бир жинсда бўлган ходимлари томонидан амалга оширилади.

34. Махсус қабулхоналарда маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг бармоқ излари уч нусхада олинади.

35. Маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг бармоқ изларини олиш учун типографик бўёқ ёки бармоқ изларини олишга мўлжалланган махсус воситалардан фойдаланилади.

36. Бармоқ изларини олиш икки усулда амалга оширилиши мумкин:

биринчи усулда қора рангдаги бўёқ текис юзага (шиша, пластик, металл) бир текис қилиб сурилади, валик билан ёйилади (тирноқ фалангалари етарлича бўйлиши ҳамда босиладиганда папилляр нақшлари тиқилиб қолмаслиги учун қатлам жуда юпка ва жуда қалин бўлиб кетмаслиги керак) ва маъмурий қамоққа олинган шахснинг ўнг қўли катта бармоғидан бошлаб ҳар бир бармоқнинг тирноқ фалангаси енгил эзилиб, айланма ҳаракат билан аввал бўйланган юза бўйлаб бир бурчакдан бошқасига қараб босилади ва шу тартибда дактилокарта қоғозига туширилади ҳамда унинг махсус ажратилган жойларига назорат излари ва орка томонига кафт излари босилади;

иккинчи усулда бўёқ қўл бармоғининг ўзига валик билан сурилади ва биринчи усулдаги каби дактилокарта қоғозига босилади.

Ҳар икки усулда бармоқ излари олинганда ҳам дактилокарта қоғозига бармоқларнинг излари (папилляр чизиқлар) тўлиқ кўриниб туриши, папиллярлар ораси типографик бўёқ билан тўлмаган, бўёқ ёйилиб кетмаган ва папилляр нақшларнинг барча қисмлари тасвири тушган бўлиши керак.

37. Маъмурий қамоққа олинган шахснинг тирноқ фалангаси ёки қўл бармоғи йўқ бўлса, дактилокарта қоғозига шу бармоқ графасида бу тўғрида изоҳ қолдирилади.

38. Маъмурий қамоққа олинган шахсларни фотосуратга олиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

маъмурий қамоққа олинган шахс кўзойнаксиз ва бош кийимсиз ҳолатда оқ ёки оч кўк рангли девор олдига тургизилади;

боши вертикал, кўзлари очик, сочи қулоқлари кўриниб турадиган қилиб таралган ҳолатда иккита кўкрак қисмигача бўлган фотосуратлари тайёрланади (олд ва ўнг тарафлар);

фотосуратлар бир хил ўлчамда, олд томондан суратга олинганда фотоаппарат суратга тушириляётган шахсдан бир ярим метр масофадан кам бўлмаган узоқликда ва фотоаппарат объективи кўзлар тенглигида ўрнатилган бўлиши керак.

39. Қуйидаги ҳолларда маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг ашёлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари улар иштирокида кўздан кечирилади:

махсус қабулхонага олиб келинганда ёки олиб чиқиляётганда;

бошқа камерага ўтказиляётганда.

40. Зарур ҳолларда, махсус қабулхона бошлиғининг кўрсатмасига кўра, маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг ашёлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари уларнинг йўқлигида ҳам махсус қабулхона ходимлари томонидан камера бўйича навбатчи иштирокида кўздан кечирилади.

41. Махсус қабулхонага олиб келинган ва сақланаётган маъмурий қамоққа олинган шахсларда тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг борлиги аниқланганда, бу ҳақда далолатнома тузилади.

42. Шахсий кўрик қилиш ҳамда ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини кўздан кечириш натижалари мазкур Қоидаларнинг 4-иловасига мувофиқ шаклдаги баённома билан расмийлаштирилади.

Мазкур баённома шахсий кўрик қилган ҳамда кўздан кечиришни ўтказган махсус қабулхона ходим(лар)и ва шахсий кўрик қилинган ҳамда кўздан кечирилган шахс томонидан имзоланади. Шахс баённомада ўз эътирозларини кўрсатишга ҳақли.

43. Маъмурий қамоққа олинган шахс баённомани имзолашдан бош тортиган тақдирда, бу ҳақда баённомага ёзиб қўйилади.

44. Шахсий кўрик қилиш ҳамда ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини кўздан кечиришда маъмурий қамоққа олинган шахс томонидан махсус қабулхона ходимларига фаол қаршилик кўрсатилган ҳолларда, унга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни талаблари асосида жисмоний куч ишлатиш ва махсус воситалар қўлланилиши мумкин.

45. Махсус қабулхона ходимлари томонидан тузилган баённома, далолатнома, маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг фотосуратлари ва бармоқ излари туширилган дактилокарта қоғозларининг бир нусхаси уларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдига қўшиб қўйилади.

46. Дактилокарта қоғозининг иккинчи ва учинчи нусхалари тегишлича ИИВ-ИИББ-ИИБларнинг Ахборот марказлари ва Эксперт-криминалистика бўлимлари (маркази)га юборилади.

5-боб. Тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини олиб қўйиш

47. Тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари махсус қабулхона бошлиғининг мазкур Қоидаларнинг 5-иловасига мувофиқ шаклдаги қарорига асосан олиб қўйилади.

48. Олиб қўйилган ҳужжатлар, пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар, нарсалар ва бошқа ашёлар махсус қабулхона навбатчилик қисмига сақлаш учун топширилади ва бу ҳақида уларнинг тавсифлари ва идентификация рақамлари санаб ўтилган ҳолда икки нусхада далолатнома тузилади. Далолатноманинг бир нусхаси маъмурий қамоққа олинган шахсга берилади, иккинчи нусхаси унинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдига қўшиб қўйилади. Олиб қўйилган ҳужжатлар, пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар, нарсалар ва бошқа ашёлар махсус қабулхонанинг навбатчилик қисмидаги сейфда сақланади.

49. Олиб қўйилган ва истеъмолга яроқсиз бўлиб қолган тақиқланган озиқ-овқат маҳсулотлари махсус қабулхона бошлиғининг асослантирилган қарорига кўра йўқ қилиб ташланиб, бу ҳақда мазкур Қоидаларнинг 6-иловасига мувофиқ шаклда далолатнома тузилади.

50. Муомаладан чиқарилмаган нарсалар маъмурий қамоққа олинган шахснинг аризаси ва махсус қабулхона бошлиғининг розилигига кўра унинг қариндошлари ёки бошқа шахсларга бериб юборилиши мумкин.

51. Маъмурий қамоққа олинган шахснинг ёнидан муомалада бўлиши тақиқланган ёки чекланган нарсалар аниқланганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб қўйилади ҳамда уларни сақлаш, топшириш ёки йўқ қилиш, шунингдек, ушбу ашёларни сақлаган шахсларга нисбатан белгиланган тартибда жавобгарлик масалаларини ҳал этиш учун зудлик билан тегишли туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими)га хабар берилади.

52. Санитария ишловидан ўтказиш чоғида маъмурий қамоққа олинган шахсларни назорат қилиш маъмурий қамоққа олинган шахслар билан бир жинсда бўлган махсус қабулхона ходимлари томонидан амалга оширилади.

53. Маъмурий қамоққа олинган шахслар махсус қабулхонадан озод этилган вақтида улардан олиб қўйилган нарсалар ва ашёлар ўзларига қайтариб берилади ва бу ҳақда тилхат олинади.

6-боб. Маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг моддий-маиший таъминоти

54. Махсус қабулхонада маъмурий қамоққа олинган шахсларга санитария қоидалари, нормалари, гигиена нормативлари талабларига ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жавоб берадиган моддий-маиший шароитлар яратилади.

55. Маъмурий қамоққа олинган шахслар сақланадиган камералар вентиляция жиҳозларига ҳамда иситиш тизимига, шунингдек кўзга зиён етказмайдиган ҳолда ўқиш ёки ёзиш учун етарли табиий ва сунъий ёруғликка

эга бўлиши керак. Камераларнинг деразалари сунъий вентиляция тизими мавжудлигидан қатъи назар, тоза ҳаво киришини таъминлаши лозим.

56. Камераларда бир кишига тўғри келадиган яшаш майдонининг нормаси икки ярим квадрат метрдан, аёллар учун эса уч квадрат метрдан кам бўлмаган ўлчамда белгиланади.

Маъмурий қамокқа олинган, юқумли касалликларга чалинган беморлар сақланадиган камераларда бир кишига тўғри келадиган майдон тўрт квадрат метрдан кам бўлмаслиги керак.

Маъмурий қамокда яшаш нормаси белгиланган тартибда тасдиқланган санитария-гигиена ва қурилиш нормалари ва қоидаларига мувофиқ бўлиши керак.

57. Маъмурий қамокқа олинган шахсларга алоҳида ётоқ жойи, кўрпатўшак (кўрпа, ёстик, иккита чойшаб ва ёстик жилди), идиш-товоқ ҳамда овқатланиш анжомлари (коса (миска), кружка ва қошиқ) берилади.

58. Маъмурий қамокқа олинган шахслар ўзининг кийим-боши, пойабзали ва шахсий гигиена воситаларидан фойдаланади.

Маъмурий қамокқа олинган шахсда зарур воситалар мавжуд бўлмаган тақдирда, ушбу шахснинг илтимосига кўра, унга шахсий гигиена воситалари (совун, тиш пастаси ёки кукуни), соқол оладиган асбоб ёки шахсий гигиена воситалари (аёллар учун) ҳам берилади.

59. Махсус қабулхонада маъмурий қамокқа олинган шахслар сақланадиган камералар радиоэшиттириш воситалари билан жиҳозланади.

60. Камераларга, уларда сақланиши мўлжалланган шахслар сонини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги жиҳозлар ўрнатилади:

бир қаватли ёки икки қаватли каравотлар;

стол ва стул (ўриндик);

озиқ-овқат маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган жиҳозлар;

кийим-бош учун илгич;

радиоэшиттириш воситаси;

ахлат қутиси;

сунъий шамоллатиш тизими (вентиляция);

санитария тармоғи (полга ўрнатилган унитаз ва бет-қўл ювгич);

иситиш тизими.

61. Маъмурий қамокқа олинган шахсларнинг чўмилиб-ювиниши, чойшаб ва ёстикжилдларини алмаштириш етти кунда камида бир марта амалга оширилади.

Маъмурий қамокқа олинган шахсларга махсус қабулхонада йигирма дақиқа давомида чўмилиб-ювиниш имконияти ҳамда ҳаммомнинг махсус жиҳозланган хонасида уларга бир марталик ёки электр устара ёрдамида сочсоқол олишига рухсат берилади.

62. Махсус қабулхонада маъмурий қамокқа олинган шахслар улар организмнинг нормал яшаши учун етарли бўлган овқат билан таъминланади.

63. Махсус қабулхонада маъмурий қамокқа олинган шахслар ҳар куни эҳтиёжга қараб қайнатилган ичимлик суви билан таъминланади.

64. Махсус қабулхонада маъмурий қамокқа олинган шахслар тасарру-

фида қоғоз ва канцелярия ашёлари бўлиши ҳуқуқига эга. Маъмурий қамоққа олинган шахсларга уларнинг илтимосига кўра, аризалар, таклифлар ва шикоятларини ёзиши учун қоғоз ва шарикли ручка берилади.

7-боб. Маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг тиббий-санитария таъминоти

65. Махсус қабулхонада даволаш-профилактика ва санитария, эпидемияга қарши ишлар конун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилади ва ўтказилади. Махсус қабулхона маъмурияти маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг соғлиғини сақлашни таъминлайдиган санитария-гигиена талабларини бажариши шарт.

66. Маъмурий қамоққа олинган шахсларга тиббий хизмат кўрсатиш махсус қабулхонанинг тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилади.

67. Махсус қабулхонага янги келган шахслар кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатилиши зарур бўлган беморларни ва тиббий ёрдамга мухтож бўлган шахсларни аниқлаш мақсадида махсус қабулхонанинг тиббиёт ходимлари томонидан амалга ошириладиган бирламчи тиббий кўриқдан ўтадилар.

68. Махсус қабулхонага олиб келинган маъмурий қамоққа олинган шахслар улар олиб келинган кундан бошлаб икки кун ичида ўрнатилган тартибда давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий муассасаларида мажбурий рентгенофлюорографик (рентгенофлюорографик текширувга оид маълумотлар бўлмаганда) текширувидан ўтказилади. Олинган тиббий кўриқ натижалари уларнинг тиббий картасига ёзиб қўйилади.

69. Махсус қабулхоналарда маъмурий қамоққа олинган шахсларда тан жароҳатлари аниқланганда улар махсус қабулхонанинг тиббиёт ходимлари томонидан кечиктирмасдан тиббий текширувдан ўтказилади. Тиббий текширув натижалари тўғрисида дарҳол прокурорга хабар қилинади.

70. Махсус қабулхонада сақланаётган шахслар ҳар куни камераларни кўздан кечириш вақтида махсус қабулхона тиббиёт ходимларига, кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда эса, махсус қабулхонанинг исталган ходимига тиббий хизмат кўрсатилишини сўраб мурожаат қилишлари мумкин. Мурожаат қилганларга зарур тиббий хизмат кўрсатилиши шарт.

71. Махсус қабулхонада сақланаётган шахсларга амбулатор тиббий хизмат камераларда ёки махсус қабулхонанинг махсус жиҳозланган тиббиёт хоналарида кўрсатилади. Махсус қабулхона тиббиёт ходими ҳар куни камераларни эрталабки кўздан кечириш вақтида, биринчи навбатда, амбулатор тиббий хизмат кўрсатилаётган шахсларни тиббий кўриқдан ўтказди.

72. Маъмурий қамоққа олинган шахслар тиббий кўрсатмалар бўйича ўзларига зарур бўлган дори воситалари ва препаратларидан махсус қабулхона тиббиёт ходимининг рухсати билан фойдаланишга ҳақли.

73. Дори воситалари махсус қабулхона тиббиёт ходимининг кўрсатмаси бўйича беморнинг тиббий картасига ёзилган кўрсаткичларга мувофиқ берилади. Беморнинг хоҳишига кўра, шу жумладан бошқа тиббиёт муасса-

саларининг тиббиёт ходимлари томонидан тайинланган дори воситалари унинг қариндошлари ёки бошқа шахслар томонидан олиб келинган тақдирда махсус қабулхона тиббиёт ходимининг розилиги билан олиниши мумкин.

74. Шифокорнинг ёзма хулосасига кўра махсус қабулхонада сақланаётган шахсларга тавсия этиладиган дори воситаларининг миқдори чекланмайди.

75. Дори воситаларининг истеъмол қилиниши махсус қабулхона тиббиёт ходими назоратида амалга оширилади. Даволаниши узлуксиз давом этадиган (юррак мускулларининг сиқилиши (стенокардия), беморнинг тинчланишига боғлиқ бўлган қон-томир, артериал қон босимининг кўтарилиши билан кечадиган гипертоник касалликлар, қандли диабет, тутқаноқ ва бошқа шу каби касалликларга чалинган) беморларга махсус қабулхона тиббиёт ходими томонидан тайинланган дори воситалари бериб қўйилиши мумкин, бундан таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган, шунингдек кучли таъсир этувчи ва бошқа шу каби дори воситалари мустасно.

76. Маъмурий қамоққа олинган шахсларга махсус қабулхоналарда тиббий хизмат кўрсатиш Қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

77. Махсус қабулхона тиббиёт ходимининг хулосасига кўра стационар шароитларда ёрдам кўрсатилишига муҳтож бўлган шахслар ўрнатилган тартибда давлат соғлиқни сақлаш муассасаларига юборилади. Бунда уларни кўриқлаш ва хулқ-атворини назорат қилиш таъминланади. Маъмурий қамоққа олинган шахсларга стационар шароитларда тиббий ёрдам кўрсатилган тақдирда уларнинг қариндошлари ёки маъмурий қамоққа олинган шахс томонидан кўрсатилган бошқа шахслар бу ҳақда дарҳол хабардор қилинади.

Давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмидан ташқари тиббий ва бошқа ёрдамлар харажатлари белгиланган тартибда маъмурий қамоққа олинган шахслар томонидан тўланади.

Маъмурий қамоққа олинган шахсларга стационар шароитларда тиббий ёрдам кўрсатилган вақт маъмурий қамоқ муддатига киритилади.

78. Махсус қабулхона маъмурияти, ходимлари ва тиббиёт ходимлари мунтазам равишда дезинфекция ва бошқа санитария-гигиена тадбирлари ўтказилишини таъминлаши шарт.

79. Маъмурий қамоққа олинган шахсларда ўта хавфли, юқумли ёки паразитар касалликлар мавжудлиги аниқланган тақдирда зудлик билан эпидемияга қарши чора-тадбирлар ва даволаш-профилактика ишлари амалга оширилади.

80. Эпидемияга қарши курашиш мақсадида ўн кунда камида бир марта махсус қабулхона камералари, овқат тарқатиш хоналари ҳамда омборхона ва бошқа хоналари белгиланган тартибда кимёвий препаратлар ёрдамида зараркунандаларни йўқотиш учун профилактик дезинфекция, дезинсекция ва дератизация қилинади.

81. Махсус қабулхона тайёр овқат билан таъминловчи ошхоналар умумий овқатланиш корхоналарига қўйиладиган санитария қоидалари ва меъёрлари талабларига жавоб бериши керак.

82. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёр овқат сифатини махсус қабулхона навбатчиси ва тиббиёт ходими текширади ҳамда бу ҳақда махсус журналга қайд қилади. Тегишли ҳужжатлари бўлмаган, яроқлилик муддати тугаган, бузилиш аломатлари бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг қабул қилинишига йўл қўйилмайди.

83. Маъмурий қамоққа олинган шахснинг овқат ейишдан бош тортганлиги факти аниқланганда, махсус қабулхона навбатчиси дарҳол прокурорни бу ҳақда хабардор қилиши шарт.

84. Овқат ейишдан бош тортаётган шахс махсус қабулхона тиббиёт ходимининг кузатуви остида бўлади.

85. Овқат ейишдан бош тортаётган шахснинг соғлиғини сақлаб туришга қаратилган мажбурий тусдаги чоралар (сунъий ва мажбурий овқатлантириш) агар унинг ҳаёти ёхуд соғлиғига хавф туғилса, шифокорнинг ёзма ҳулосаси асосида ҳамда тиббиёт ходими иштирокида амалга оширилади.

8-боб. Маъмурий қамоққа олинган шахслар томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиш

86. Маъмурий қамоққа олинган шахслар махсус қабулхонада сақланиш даврида бир маротаба ўзи билан сақлаш тақиқланмаган озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиш ҳуқуқига эга.

87. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олишни хоҳловчилар махсус қабулхона бошлиғи номига мазкур Қоидаларнинг 7-иловасига мувофиқ шаклдаги ариза билан мурожаат қилади.

88. Махсус қабулхона бошлиғи махсус қабулхонага қабул қилишда шахслардан олиб қўйилган ва навбатчилик қисмида сақланаётган пул маблағлари ҳисобидан махсус қабулхонада сақланаётган шахсларнинг қариндошлари ёки бошқа шахслар орқали озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олишлари учун шароит яратиб беради.

9-боб. Маъмурий қамоққа олинган шахслар томонидан почта жўнатмаларини ва йўқловларни олиш ҳамда жўнатиш

89. Маъмурий қамоққа олинган шахслар почта жўнатмалари ва йўқловларни олиш ва жўнатиш ҳуқуқига эга.

90. Маъмурий қамоққа олинган шахслар махсус қабулхонада сақланган даврида оғирлиги почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларида белгиланган нормалардан ошмайдиган битта посылка ёки бандероль, шунингдек умумий оғирлиги ўн икки килограммгача бўлган озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат иккита йўқлов олишига рухсат этилади.

91. Одамлар ҳаёти ва соғлиғи учун хавф туғдирадиган ёки жиноят қуроли сифатида ёхуд махсус қабулхонада сақлаш мақсадларига тўсқинлик қилиш учун фойдаланилиши мумкин бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, нар-

салар ва моддаларни махсус қабулхонада сақланаётган шахсларга бериш тақиқланади.

92. Почта жўнатмалари ва йўқловларни қабул қилиш махсус қабулхонанинг махсус жиҳозланган хонасида амалга оширилади.

93. Почта жўнатмалари ва йўқловларни қабул қилиш вақти, тартиби ва уларнинг сони ҳамда миқдорини белгилловчи ҳужжатлардан кўчирмалар махсус қабулхонага келган шахсларга кўринадиган жойга осиб қўйилади.

94. Йўқлов олиб келган шахс мазкур Қоидаларнинг 8-иловасига мувофиқ шаклда икки нусхада ариза тўлдиради. Аризалар ва йўқлов уни олиб келган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати билан бирга махсус қабулхона навбатчисига тақдим этилади.

95. Йўқловдаги нон ва гўшт маҳсулотлари, шунингдек пишлоқ ва тузланган балиқ бўлақларга ажратилиб текширилади, суюқ маҳсулотлар махсус қабулхонанинг идишига қўйилади, консервалар очилиб, бошқа идишга солинади, тамаки, шакар ва шу кабилар махсус элакдан ўтказилади, конфетлар ўрамсиз қабул қилинади, тамаки маҳсулотлари қутисидан чиқарилган ҳолда кўздан кечирилади. Ёзишмаларни ҳамда тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини яшириш мумкин бўлган бошқа барча маҳсулотлар ҳам шу тартибда текширилади. Зарур ҳолларда, текширув жараёнида техник воситалардан фойдаланилади.

Текширув йўқловни олиб келган шахс иштирокида амалга оширилади.

96. Махсус қабулхона ходими йўқлов олиб келган шахсга унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати ва аризасининг бир нусхасини йўқловни қабул қилганлиги тўғрисида имзо қўйиб қайтариб беради ҳамда йўқловнинг оғирлигини махсус журналга қайд этади. Аризанинг иккинчи нусхасига махсус қабулхонада сақланаётган шахс йўқловни олганлиги тўғрисида имзо қўйганидан сўнг, йўқлов унга берилади ва аризанинг ушбу нусхаси унинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдига қўшиб қўйилади. Маъмурий камоққа олинган шахс аризага йўқловни олганлиги тўғрисида имзо қўйишдан бош тортса, бу ҳақда аризанинг ушбу нусхасига ёзиб қўйилади ва далолатнома тузилади.

97. Йўқловда жиноий мақсадда фойдаланиш мумкин бўлган, махсус қабулхона ҳудудига киритиш тақиқланган яширилган ашёлар аниқланган тақдирда, махсус қабулхона жойлашган ички ишлар органи бошлиғига билдирги орқали маълум қилинади. Ички ишлар органи бошлиғининг текширув ўтказиш бўйича топшириғига асосан тезкор ходимлар томонидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилади.

98. Йўқловлар қўйидаги ҳолларда қабул қилинмайди:

йўқловни олиб келган шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаганда;

тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келинганда;

йўқловлар сони ёки йўқловнинг умумий оғирлиги Қонунда белгиланган нормадан ортиқ бўлганда, унинг ортиқча қисми;

маъмурий камоққа олинган шахс давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий муассасаларига олиб кетилганлиги сабабли, йўқловни шахсан қабул қилиш имкониятига эга бўлмаганда;

йўқлов олувчи йўқловни қабул қилишдан ёзма равишда бош тортганда;
йўқлов олувчи бошқа муассасага юборилган ёки озод этилганда;
йўқлов олувчи вафот этганда.

Келтирилган ҳолларда йўқлов уни олиб келган шахсга қайтариб берилди, бундан 97-банддаги ҳолатлар мустасно.

99. Почта жўнатмалари махсус қабулхона ходимларидан иборат уч кишилик комиссия томонидан очилади ҳамда уларнинг ичидаги ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари почта жўнатмаларининг устидаги рўйхат билан солиштирилади.

100. Очилган почта жўнатмалари бўйича далолатнома тузилади ҳамда унга ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг рўйхати, уларнинг ташқи белгилари, сифати, агар уларда тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари бўлса, далолатномада уларни сақлаш, давлат даромадига ўтказиш ёки йўқ қилиш учун топширилганлиги кўрсатилади.

101. Далолатнома маъмурий қамоққа олинган шахсга имзо қўйдириб таништирилади ва унинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдига қўшиб қўйилади.

102. Почта жўнатмалари:

маъмурий қамоққа олинган шахс уларни қабул қилишдан ёзма равишда бош тортганда;

маъмурий қамоққа олинган шахс бошқа муассасага ўтказилганда ёки озод этилганда;

номига почта жўнатмалари келган маъмурий қамоққа олинган шахс вафот этганда уларни жўнатган шахсларга почта орқали юборилади.

103. Махсус қабулхонадан озод этилган шахсларнинг номига келган почта жўнатмалари олинганидан кейин уч кунлик муддатдан кечиктирмай махсус қабулхона маъмурияти томонидан у кетган жойга жўнатилади.

104. Почта жўнатмалари қабул қилиб олингандан сўнг йигирма тўрт соат ичида, йўқловлар эса дарҳол маъмурий қамоққа олинган шахсга берилади.

105. Почта жўнатмалари ва йўқловларнинг сақланиши оқибатида уларнинг табиий бузилиши ҳамда кўздан кечириш натижасида ташқи кўринишини йўқотганлиги учун махсус қабулхона маъмурияти жавобгар бўлмайди. Бу ҳақда йўқлов олиб келган шахс йўқловни қабул қилиш вақтида огоҳлантирилиши шарт.

106. Маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг почта жўнатмалари ва йўқловларни жўнатиши уларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

107. Маъмурий қамоққа олинган шахслар почта жўнатмалари ва йўқловларни жўнатиш учун зарур ашёларни (конвертлар, маркалар, телеграмма бланкалари, қоғоз ва бошқаларни) махсус қабулхона ходимлари орқали сотиб олади.

108. Маъмурий қамоққа олинган шахслардан почта жўнатмалари ва йўқловлар ҳар куни ёпилмаган конвертларда, жўнатувчи ва олувчининг реквизитлари ёзилган ҳолда махсус қабулхона ходими томонидан қабул қилинади.

109. Почта жўнатмалари ва йўқловларни адресатларга жўнатиш у жўна-

тишга топширилган кундан эътиборан уч кунлик муддатда махсус қабулхона маъмурияти томонидан амалга оширилади. Телеграмма адресатга дарҳол жўнатилади.

10-боб. Маъмурий қамоққа олинган шахслар томонидан пул жўнатмалари олиш

110. Маъмурий қамоққа олинган шахслар пул жўнатмалари олиш ҳуқуқига эга.

111. Маъмурий қамоққа олинган шахслар номига келган пул жўнатмалари махсус қабулхонанинг навбатчилик қисмидаги сейфда сақланади.

112. Маъмурий қамоққа олинган шахслар томонидан пул жўнатмалари олинган сана махсус журналда қайд этилади.

113. Маъмурий қамоққа олинган шахслар махсус қабулхонадан озод этилган вақтида уларнинг номига келган пул жўнатмалари ўзларига берилади ва бу ҳақда тилхат олинади.

114. Махсус қабулхонадан кетган шахсларнинг номига келган пул жўнатмалари олинганидан кейин уч кунлик муддатдан кечиктирмай махсус қабулхонанинг маъмурияти томонидан у кетган жойга жўнатилади.

11-боб. Маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг ҳар кунги сайрларини ўтказиш

115. Маъмурий қамоққа олинган шахслар махсус қабулхона ҳудудида махсус ажратилган жойларда кундузги вақтда давомийлиги икки соатдан кам бўлмаган ҳар кунги сайр этиш ҳуқуқига эга.

116. Беморларнинг ҳар кунги сайр этиш вақти махсус қабулхона тиббиёт ходимининг хулосасига кўра белгиланади.

117. Камерадаги шахслар сайрга бир вақтда олиб чиқилиши ва улар мавсумий кийимда бўлиши лозим.

118. Маъмурий қамоққа олинган шахслар сайрга махсус қабулхона маъмурияти томонидан белгиланган жадвал асосида олиб чиқилади.

119. Сайр вақтида махсус қабулхона тиббиёт ходимлари махсус қабулхона масъул ходимлари билан биргаликда камераларнинг санитария ҳолатини текширишлари мумкин.

120. Сайрга олиб чиқилган шахслар доимий равишда назорат қилиб турилади.

121. Маъмурий қамоққа олинган шахслар сайр вақтида сайрни муддатидан олдин тўхтатиш ҳақида назоратчига мурожаат қилишлари мумкин. Назоратчи бу ҳақда махсус қабулхона навбатчисини хабардор қилади.

122. Сайр қилиш об-ҳаво шароити ёмонлашганда (бўрон, кучли ёмғир ва ҳ. к.), фавқулодда ҳолатлар (қочиш, ўз жонига қасд қилиш ва ҳ. к.) рўй берганда, вазият кескинлашганда (фавқулодда ҳолат содир этилиши тўғрисида хабар олинганда, назорат қилувчи ходимлар сони кескин қисқартирил-

ганда) ҳамда бошқа нохуш ҳодиса (ёнғин, табиий офатлар ва ҳ. к.)лар бар-тараф этилгунга қадар тақиқлаб қўйилиши мумкин.

123. Маъмурий қамоққа олинган шахслар махсус қабулхона йўлагидан ўтаётганда ва сайрга чиққанда бақириш, куйлаш, тинчликни бошқача усуллар билан бузиш, махсус қабулхона ҳудудидан ташқарига нарсалар отиш, деворларга ёзувлар ёзиш, ускуна ва тўсиқларни бузиш ёки сақлаш режими-ни бузадиган бошқа ҳаракатларни амалга ошириши тақиқланади.

124. Ушбу Қоидаларнинг 123-бандида белгиланган сайр қилиш тартиби бузилганда, маъмурий қамоққа олинган шахслар томонидан махсус қабулхона ходимларига ёки маъмурий қамоққа олинган бошқа шахсларга нисбатан ноқонуний ҳаракатлар содир этилганда ёки ушбу шахсга биринчи ёрдам кўрсатиш керак бўлганда сайр қилиш муддатидан илгари тўхтатилиши мумкин.

125. Сайр қилиш тартибини бузган шахслар махсус қабулхона бошлиғи (йўқлигида унинг ўринбосари ёки навбатчи) кўрсатмасига асосан камерасига қайтарилади.

**12-боб. Маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг
учрашувларини ўтказиш, шунингдек улар томонидан телефон
орқали сўзлашув ҳуқуқини амалга ошириш**

126. Махсус қабулхонада маъмурий қамоққа олинган шахсларга химоячиси, қонуний вакили, қариндошлари ҳамда бошқа шахслар билан учрашувлар берилади. Химоячи ва қонуний вакил билан монеликсиз ва холи учрашувлар уларнинг сони ҳамда давом этиш муддати чекланмаган ҳолда берилади.

127. Махсус қабулхона бошлиғи томонидан маъмурий қамоққа олинган шахсга қариндошлари ва бошқа шахслар билан давом этиш муддати икки соатгача бўлган битта учрашувга ижозат берилиши мумкин.

128. Бир вақтнинг ўзида маъмурий қамоққа олинган шахс билан икки нафар вояга етган қариндошлари ва бошқа шахсларнинг учрашувига рухсат этилади.

129. Маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашувлари махсус қабулхонанинг махсус жиҳозланган учрашув хонасида ўтказилади.

130. Маъмурий қамоққа олинган шахслар учрашувга бир вақтнинг ўзида олиб чиқилиши мумкин, бунда маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг камералар бўйича ажратилиш талабларига қатъий риоя қилиниши шарт.

131. Махсус қабулхона ходимлари томонидан учрашувга олиб чиқилаётган шахснинг ташқи кўриниши озода бўлиши таъминланиши керак.

132. Махсус қабулхона навбатчиси томонидан сменани топшириш-қабул қилиш (камида бир соат ичида) ва маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг овқатланиш (нонушта, тушлик ва кечки овқат) вақтида ҳамда тунги, яъни кеч соат 22.00 дан эрталаб соат 6.00 гача бўлган вақтда, шунингдек шахсини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган, маст ҳолда келган шахсларга учрашув

берилмайди, Жиноят процессуал кодексига (бундан буён матнда ЖПК деб юритилади) назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Бунда рад этиш сабаблари махсус қабулхона ходими томонидан тушунтирилади.

133. Маъмурий қамоққа олинган шахслар билан қўйидаги шахслар учрашишлари мумкин:

адвокат — у адвокат гувоҳномасини ва ўзининг муайян ишни юритишга бўлган ваколатини тасдиқловчи ордерни кўрсатганда;

ҳимоячи сифатида иштирок этаётган яқин қариндоши ёки қонуний вакили — унинг ишда ҳимоячи сифатида иштирок этишига йўл қўйиш тўғрисида суриштирувчи, терговчининг қарорини ёки суднинг ажримини ва ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатганда;

қонуний вакил — унинг ишда қонуний вакил сифатида иштирок этишига йўл қўйиш тўғрисида суриштирувчининг, терговчининг қарорини ёки суднинг ажримини ва ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатганда;

маъмурий қамоққа олинган шахснинг қариндоши ёки бошқа шахс — ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатганда.

Ушбу бандда санаб ўтилган шахслардан бошқа ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

134. Адвокатнинг ҳимоя остидаги шахс билан аудио ва видео кузатув қурилмалари бўлмаган махсус хонада ҳамда бегона шахсларнинг иштирокисиз ўз вақтида ва ҳеч қандай тўсиқларсиз учрашиши таъминланади, бунда адвокат ва ҳимоя остидаги шахснинг суҳбатини учинчи шахслар эшитишини истисно этган ҳолда уларни визуал кўриб туриш имконияти сақлаб қолинади.

Маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг ўз ҳимоячиси ва қонуний вакили билан учрашувлари махсус қабулхона ходими уларни кўриб турадиган, лекин эшитмайдиган шароитларда, махсус қабулхонанинг учрашув хонасида ўтказилади.

135. Учрашув жараёнида ҳимоячи томонидан маъмурий қамоққа олинган шахсларга тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини топшириш ҳолатлари аниқланганда махсус қабулхона бошлиғи томонидан ушбу ҳолат юзасидан текширув ўтказилиши лозим. Текширув натижалари ҳулоса нусхаси билан бирга юқори турувчи органга, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармасига ва гувоҳнома берган ҳудудий адлия органига зудлик билан юборилади.

136. Қариндошлар ва бошқа шахслар билан учрашувлар махсус қабулхона ходимларининг назорати остида амалга оширилади ҳамда маъмурий қамоққа олинган шахсларга тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини топширишга ёки жиноят содир этилишига кўмаклашиши мумкин бўлган, шунингдек махсус қабулхонадаги режимга тааллуқли маълумотларни шартли имо-ишоралар ёрдамида ёхуд махсус қабулхона ходимларига тушунарсиз тилда топширишга уринилган тақдирда муддатидан илгари тўхтатиб қўйилади. Учрашувга келган шахс бу ҳақда учрашув бошланишидан олдин огоҳлантирилиши шарт.

137. Адвокатнинг ҳимоя остидаги шахс билан учрашиш жараёнида элек-

трон воситалардан (мобил телефон, фотоаппарат ва диктофон) фойдаланиш имконияти яратилади. Бунда адвокат томонидан электрон воситалардан маълумотларни қайд этиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш тақиқланади.

Ҳимоячилар, қонуний вакиллар, қариндошлар ва бошқа шахсларга учрашувлар берилганда, уларнинг ёнида алоқа воситалари, шахсий компьютер, фотоаппаратлар, видеокамераларнинг ва овоз ёзиш қурилмаларининг бўлиши тақиқланади.

138. Махсус қабулхонада учрашувлар вақтинча тўхтатиб турилган ҳолларда назорат қилувчи прокурорга хабар берилади ва бу ҳақда учрашувга келганларни қабул қилиш хонасига эълон осиб қўйилади.

139. Махсус қабулхона маъмурияти томонидан маъмурий қамоққа олинган шахсларга махсус қабулхонада техник имкониятлар мавжуд бўлганида стационар телефон-автоматлари орқали ёки маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг шахсий алоқа воситалари ва зарядлаш қурилмаларини уларга бериш (олиш) ёрдамида, телефон мулоқотларининг кетма-кетлик тартибида тақдим этилади.

140. Маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг телефон мулоқотлари махсус қабулхона маъмурияти ёки ходимлари иштирокида ёхуд улар йўқлигида аудиовизуал назорат орқали амалга оширилади.

141. Маъмурий қамоққа олинган шахсларга шахсий алоқа воситалари ва зарядлаш қурилмалари фақат телефон мулоқотларини амалга ошириш вақтида берилади.

142. Маъмурий қамоққа олинган шахсларга шахсий алоқа воситалари ва зарядлаш қурилмалари махсус қабулхона маъмуриятининг шахсий алоқа воситалари ва зарядлаш қурилмаларини маъмурий қамоққа олинган шахсларга бериш (олиш) ва телефон мулоқотларини тақдим этишни ҳисобга олиш журналига қўйилган белгиси орқали берилади (олинади).

143. Маъмурий қамоққа олинган шахсларга телефон мулоқотлари сайр вақтлари, санитар, гигиеник ва бошқа шу турдаги тадбирлар ҳамда махсус қабулхона маъмурияти ва ходимлари томонидан маъмурий қамоққа олинган шахслар хавфсизлиги ва маъмурий қамоқни ўташ тартибини таъминлаш мақсадида ўтказиладиган чора-тадбирлардан ташқари, махсус қабулхона кун тартибига мувофиқ ҳар куни соат 10.00 дан 12.00 гача ва 19.00 дан 21.00 гача тақдим этилади.

13-боб. Маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг диний расм-русумларни адо этиши

144. Маъмурий қамоққа олинган шахслар, агар бу мазкур Қоидаларни, шунингдек бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаса, махсус қабулхона хоналарида диний расм-русумларни адо этиш ҳуқуқига эга.

145. Маъмурий қамоққа олинган шахслар диний расм-русумларни ўзлари сақланаётган камераларда, имкон бўлганда эса махсус қабулхонанинг ушбу

расм-русумларга мўлжаллаб жихозланган махсус хоналарида ўз диний анъаналарига мувофиқ амалга оширади.

146. Махсус қабулхона маъмурияти маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг диний расм-русумларни адо этиши учун зарур шарт-шароит яратилишини таъминлайди.

147. Маъмурий қамоққа олинган шахсларга махсус қабулхона кутубхонасидаги қонун ҳужжатлари, адабиётлар ва даврий матбуот нашрларидан фойдаланишга рухсат этилади.

**14-боб. Маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг
Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти
вакиллик органлари сайловларида ва Ўзбекистон
Республикасининг референдумида иштирок этиши**

148. Маъмурий қамоққа олинган шахслар Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловларида ва Ўзбекистон Республикасининг референдумида (бундан буён матнда сайлов деб юритилади) иштирок этиш ҳуқуқига эга.

149. Маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг сайловда иштирок этиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида махсус қабулхонанинг ўзида сайлов участкаси ташкил этилади.

150. Махсус қабулхонада сайлов участкасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикасининг Президенти сайлови тўғрисида»-ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»-ги қонунлар асосида амалга оширилади.

151. Маъмурий қамоққа олинган шахсларни куч ишлатиш, алдаш, қўрқитиш орқали ёки бошқа йўллار билан уларнинг сайлаш ва референдумда иштирок этишдан иборат ҳуқуқларидан фойдаланишларига тўсқинлик қилиш Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

**15-боб. Маъмурий қамоққа олинган шахсларни меҳнатга
жалб этиш**

152. Маъмурий қамоққа олинган шахслар махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатлар ўрнини қоплаш мақсадида меҳнат қилиш истагини билдириб махсус қабулхона бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

153. Маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг аризаси махсус қабулхона маъмурияти томонидан дарҳол кўриб чиқилади ва тегишли шароитлар мавжуд бўлганда маъмурий қамоққа олинган шахслар ҳақ тўланадиган меҳнатга жалб этилади.

154. Маъмурий қамоққа олинган шахсларни меҳнатга жалб этиш учун шароит бўлмаган ҳолларда аризачига рад этиш сабаблари тушунтирилади.

155. Махсус қабулхона маъмурияти томонидан маъмурий қамоққа олинган шахсларни ҳақ тўланадиган меҳнатга жалб этиш мақсадида туман (шаҳар) ҳокимликларига мурожаат этилади ҳамда ҳокимликлар томонидан тавсия этилган корхона ва ташкилотлар билан махсус қабулхона ўртасида шартнома тузилади.

156. Маъмурий қамоққа олинган шахслар шартнома асосида меҳнатга жалб этилган ҳолларда доимий назорат остида бўлади ва махсус қабулхона ходимларининг кўрсатмаси бўйича ишлайди.

157. Маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг меҳнат шароити қонун ҳужжатларида белгиланган хавфсизлик, санитария ва гигиена талабларига жавоб бериши керак. Маъмурий қамоққа олинган шахслар ўз меҳнати учун тегишли ҳақ олишга ҳақлидир.

158. Маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг иш вақти ва меҳнатига ҳақ тўлаш меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

159. Белгиланган иш ҳажмларини бажарган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди бўйича белгиланган миқдордан кам бўлмаслиги лозим.

160. Маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиш натижасида олинган пул маблағлари уларни махсус қабулхоналарда сақлаш ва овқатлантиришга йўналтирилади.

161. Маъмурий қамоққа олинган шахсларни махсус қабулхоналарда сақлаш ва овқатлантириш қийматидан ортиқ бўлган сумма уларнинг номига очиладиган махсус банк ҳисобварақларига ўтказилади.

162. Маъмурий қамоққа олинган шахслар махсус қабулхона хоналаридаги санитария-гигиена, маиший шароитларни яхшилаш, шунингдек ички ишлар органи ёки махсус қабулхона ҳудудини ободонлаштириш билан боғлиқ бўлган, давомийлиги суткасига икки соатдан кўп бўлмаган ҳақ тўланмайдиган жисмоний ишларга ўз розилигига кўра жалб этилади.

163. Маъмурий қамоққа олинган шахсларни ҳақ тўланмайдиган жисмоний ишларга жалб этиш уларнинг соғлиғи ҳолати ҳисобга олинган ҳолда ва навбатма-навбат амалга оширилади.

164. Маъмурий қамоққа олинган меҳнатга қобилятсиз шахслар жисмоний ишларга жалб этилишдан озод қилинади.

16-боб. Маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг аризалар, таклифлар ва шикоятлар юбориши

165. Маъмурий қамоққа олинган шахслар махсус қабулхона маъмуриятига, давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳамда жамоат бирлашмаларига ўз она тилида ёки бошқа тилда аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

166. Махсус қабулхона ходимлари ҳар куни камераларни айланиш чоғида маъмурий қамоққа олинган шахслардан ёзма ва оғзаки шаклдаги ариза, таклиф ва шикоятлар қабул қилади.

167. Оғзаки шаклда қабул қилинган ёки махсус қабулхона бошлиғи номига берилган аризалар, таклифлар ва шикоятлар журналга қайд этилади ҳамда махсус қабулхона бошлиғига баён қилинади.

168. Махсус қабулхона бошлиғи унинг номига ёзилган аризалар, таклифлар ва шикоятлар зудлик билан кўриб чиқирилишини таъминлайди.

169. Махсус қабулхона ходимларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар берилган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай махсус қабулхона бошлиғи томонидан прокурорга бевосита топширилади, прокурорнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар эса юқори турувчи прокурорга почта орқали юборилади.

170. Бошқа давлат органлари ва ташкилотлари номига йўлланган аризалар, таклифлар ва шикоятлар цензурадан ўтказилмайди ҳамда берилган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай махсус қабулхона маъмурияти томонидан олувчиларга почта орқали юборилади.

171. Аризалар, таклифлар ва шикоятларга жавоблар махсус қабулхонага келиб тушган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай махсус қабулхона навбатчиси томонидан тегишли ариза, таклиф ва шикоятни берган шахсга етказилади.

172. Маъмурий қамоққа олинган шахснинг аризалари, таклифлари ва шикоятларини жўнатиш харажатларининг ўрни махсус қабулхона маблағлари ҳисобидан қопланади.

173. Маъмурий қамоққа олинган шахснинг аризалари, таклифлари ва шикоятларини қабул қилиш ҳамда кўриб чиқишнинг асоссиз равишда рад этилиши, уларни кўриб чиқиш ёки олувчиларга топшириш тартиби ва муддатларининг бузилиши ёхуд маъмурий қамоққа олинган шахснинг берилган аризалар, таклифлар ва шикоятлар муносабати билан таъқиб қилиниши қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

17-боб. Маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг махсус қабулхона бошлиғи ва у ваколат берган шахслар томонидан шахсан қабул қилиниши

174. Маъмурий қамоққа олинган шахслар махсус қабулхона бошлиғига ёки у ваколат берган шахсга, шунингдек махсус қабулхоналарни назорат қилувчи ёки текширувчи мансабдор шахсларга шахсан қабул қилиш тўғрисида илтимос билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

175. Махсус қабулхона бошлиғи ёки унинг ўрнини босувчи шахсларнинг шахсий қабулига ёзилиш махсус қабулхона ходимлари томонидан ҳар куни камераларни айланиб чиқиш чоғида амалга оширилади. Қабул қилиш тўғрисидаги мурожаат ёзма ёки оғзаки равишда махсус қабулхона бошлиғи номига берилади ва шахсий қабул журналида навбат билан рўйхатга олинади.

176. Маъмурий қамоққа олинган шахсларни махсус қабулхона бошлиғи ёки унинг ўрнини босувчи шахслар томонидан қабул қилиш ҳар куни белгиланган жадвалга мувофиқ иш вақти давомида амалга оширилади, дам олиш

ва байрам кунлари бундан мустасно. Зарур ҳолларда, маъмурий қамокқа олинган шахслар жадвалдан ташқари қабул қилиниши мумкин.

177. Мурожаат қилганларни қабул қилиш шахсий қабул журналидаги рўйхат бўйича амалга оширилади ва қабул натижалари журналга ёзиб қўйилади. Ёзма равишда берилган мурожаатларга унинг натижаси ҳақида белги қўйилиб, маъмурий қамокқа олинган шахсларнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдига қўшиб қўйилади.

178. Маъмурий қамокқа олинган шахсларнинг қариндошлари ва бошқа шахсларни махсус қабулхона бошлиғи ёки унинг ўрнини босувчи шахслар томонидан шахсан қабул қилиш махсус қабулхонанинг учрашув хонасида амалга оширилади. Қабулга келган шахслар махсус журналда рўйхатга олинади ва қабул натижалари журналга ёзиб қўйилади.

18-боб. Маъмурий қамокқа олинган, махсус қабулхонада вафот этган шахсларнинг жасадларини бериш

179. Маъмурий қамокқа олинган шахс махсус қабулхонада вафот этган тақдирда, махсус қабулхона бошлиғи бу ҳақда унинг яқин қариндошларига, қонуний вакилига ва прокурорга дарҳол хабар қилади. Маъмурий қамокқа олинган шахснинг вафот этганлиги факти бўйича ЖПКда назарда тутилган тартибда терговга қадар текширув ўтказилади.

180. Махсус қабулхонада вафот этган шахснинг жасади у билан боғлиқ терговга қадар текширув ўтказилаётган жараёнда мазкур ишни юритаётган мансабдор шахс ёки органнинг қарорига асосан сақлаш учун махсус қабулхона яқинида жойлашган соғлиқни сақлаш муассасасининг ўликхонасига топширилади.

181. Махсус қабулхонада вафот этган шахснинг жасади суд-тиббий экспертизасидан ўтказилганидан, шунингдек ЖПКда назарда тутилган бошқа ҳаракатлар бажарилганидан кейин вафот этган шахснинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариндошларига ёки қонуний вакилларига ёхуд дафн этишни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган бошқа шахсларга топширилади.

182. Вафот этган шахснинг жасади уни талаб қилган шахснинг аризаси ва ҳолат юзасидан тергов ҳаракатларини амалга ошираётган мансабдор шахс ёки органнинг қарори асосида дафн этиш учун берилади. Бунда вафот этган шахсга тегишли бўлган ҳужжатлар, ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари унинг ариза билан мурожаат қилган қариндошлари ёки бошқа шахсларга белгиланган тартибда топширилади.

Ариза билан мурожаат қилган шахс ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатиши зарур.

183. Махсус қабулхонада вафот этган шахснинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариндошлари ёки қонуний вакилларида ёхуд дафн этишни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган бошқа шахслардан жасадни бериш тўғрисида ариза тушмаган тақдирда, вафот эт-

ган шахсни дафн этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

19-боб. Маъмурий қамоққа олинган шахсларни махсус қабулхонадан озод қилиш тартиби

184. Маъмурий қамоққа олинган шахс махсус қабулхонадан қуйидаги ҳолларда озод қилинади:

маъмурий қамоқ тарзидаги маъмурий жазони қўллаш тўғрисидаги қарор бекор қилинганда;

маъмурий қамоқ муддати ўтаб бўлинганда.

185. Маъмурий қамоққа олинган шахсларни махсус қабулхонадан озод қилиш махсус қабулхона маъмурияти томонидан дарҳол амалга оширилади.

186. Маъмурий қамоққа олинган шахслар махсус қабулхонадан озод қилинаётганда махсус қабулхонанинг тиббиёт ходимлари томонидан қайта тиббий кўрикдан ўтказилади.

Маъмурий қамоққа олинган шахсларда тан жароҳатлари аниқланганда махсус қабулхонанинг тиббиёт ходимлари томонидан дарҳол прокуратурага хабар қилинади.

187. Махсус қабулхоналардан озод қилиш чоғида махсус қабулхона маъмурияти томонидан маъмурий қамоққа олинган шахс махсус қабулхонага келиб тушганда олиб қўйилган ҳужжатлар, пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар, нарсалар ва бошқа ашёларни тилхат билан уларга қайтаради ҳамда озод этилганлиги тўғрисида белгиланган шаклда маълумотнома беради.

188. Зарур бўлган тақдирда, махсус қабулхона маъмурияти махсус қабулхонадан озод қилинган шахсни яшаш жойига етиб олиши учун йўл ҳужжатлари ва йўлда кетиш учун белгиланган нормалар бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлайди.

20-боб. Яқуний қоида

189. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган.

Олий суд раиси

К. КАМИЛОВ

2018 йил 14 август

Бош прокурор

О. МУРОДОВ

2018 йил 14 август

Соғлиқни сақлаш вазири**А. ШАДМАНОВ**

2018 йил 14 август

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири****Ш. КУДБИЕВ**

2018 йил 14 август

Маъмурий қамоққа олинган шахсларни
қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган
махсус қабулхоналарнинг ички тартиб
қоидаларига
1-ИЛОВА

**Махсус қабулхонанинг намунавий
КУН ТАРТИБИ**

Уйғониш — соат 6.00 да.

Эрталабки текширув ва камералар тозаланиши — соат 6.00 дан 8.00 гача.

Нонушта — соат 8.00 дан 9.00 гача.

Аризалар, таклифлар ва шикоятларни юбориш — соат 9.00 дан 10.00 гача.

Телефон қилиш — соат 10.00 дан 12.00 гача, 19.00 дан 21.00 гача.

Сайр — кундузги вақтда камида 2 соат.

Тушлик — 13.00 дан 14.00 гача.

Диний расм-русумларни адо этиш — адо этиш вақтларида.

Қариндошлар ёки бошқа шахслар билан учрашув — соат 16.00 дан 18.00 гача.

Ҳимоячи ёки қонуний вакил билан учрашув — Ички тартиб қоидаларининг 132-банди талабларидан ташқари вақтлар ва ҳолларда давом этиш муддати чекланмайди.

Кечки овқат — соат 18.00 дан 19.00 гача.

Кечки текширув — соат 21.00 дан 22.00 гача.

Тунги вақтда ухлаш (узлуксиз) — соат 22.00 дан 6.00 гача.

Эслатма:

1. Кун тартиби ҳар бир махсус қабулхонада йил фасли, кунининг давомийлиги ва маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб тузилади.

2. Маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг сайрга чиқиши, диний расм-русумларни адо этиши, ҳимоячи, қонуний вакил, қариндошлар ва бошқа шахслар билан учрашувлари тўғрисида маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг камерадан чиқишини рўйхатга олиш журналига ёзиб қўйилади.

Маъмурий қамоққа олинган шахсларни
қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган
махсус қабулхоналарнинг ички тартиб
қоидаларига
2-ИЛОВА

Махсус қабулхонада маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг ХУЛҚ-АТВОР ҚОИДАЛАРИ

1. Махсус қабулхонада сақланаётган маъмурий қамоққа олинган шахсларга қуйидаги мажбуриятлар юклатилади:

Қонунда белгиланган ички тартиб қоидаларига риоя қилиш;
махсус қабулхона ходимларининг қонуний талабларини сўзсиз бажариш;
шахсий гигиена ва санитария талабларига риоя этиш;
ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш;

махсус қабулхонанинг мол-мулкига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш;

камераларни озода сақлаш, ётиш жойи, кўрпа-тўшакларини бир хил қилиб йиғиштириш, озиқ-овқат махсулотларини, нарса ва буюмларини сақлаш талабларига риоя этиш;

махсус қабулхона ходимлари ҳамда бошқа шахсларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи хатти-харакатларни содир этмаслик;

махсус қабулхона маъмуриятининг қонуний талабларини бажариши, шунингдек махсус қабулхона ходимларининг хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилмаслиги;

ўзининг ҳамда бошқа шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи хатти-харакатларни қасддан содир этмаслик;

махсус қабулхона ходимлари ва бир-бирлари билан хушмуомалада бўлиш;

ички ишлар органлари ходимлари, прокуратура ва бошқа назорат қилувчи мансабдор шахслар камера ичига кирган вақтида берилган кўрсатма асосида ўрнидан туриш ва белгиланган жойга сафланиш;

белгиланган тартиб асосида сайр қилиш ва учрашув пайтида ўзини тутиши;

махсус қабулхона ходимларининг ва бошқа мансабдор шахсларнинг талаби асосида ўзининг фамилиясини, исми ва отасининг исмини айтиши;

тинчликни сақлаш;

навбат билан камера бўйича навбатчилик қилиш.

2. Камера бўйича навбатчи:

камерага махсус қабулхона ходимлари ёки текширувчи ходимлар кирганида сақланаётган шахслар сони тўғрисида ахборот беради;

жихозлар, буюмлар ва бошқа нарсаларнинг сақланишини назорат қилади;

камерада сақланаётганлар учун идиш-товоқларни олади ва топширади;

камера тозалигига риоя қилинишини назорат қилади.

3. Махсус қабулхонада сақланаётган маъмурий қамоққа олинган шахсларга қуйидагилар тақиқланади:

бошқа камера ва хоналардаги шахслар билан суҳбатлашиш, мулоқот қилиш, шовқин солиш (деворларни, камерадаги жиҳозларни тақиллатиш ва бошқа тақиқланган ҳаракатлар);

сақланиши, тарқатилиши, истеъмол қилиниши, фойдаланилиши тақиқланган пуллар, қимматли қоғозлар ҳамда бошқа қимматликлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, нарсалар ва моддалар билан муомала қилиш;

махсус қабулхона ходимларининг рухсатисиз камера ва маъмурий бинонинг бошқа хонасидан ташқарига чиқиш;

белгиланмаган жойларда чекиш;

бирор-бир манфаатни кўзлаб ўйинлар ташкил қилиш ёки ўйнаш;

татуировка чизиш;

махсус қабулхона маъмуриятининг рухсатисиз ётоқ жойини ўзгартириш ва унга парда тутиш;

камерада олов ёқиш;

махсус қабулхона ходимларининг рухсатисиз сантехника, ёритиш ва бошқа асбоб-ускуналарни созлаш ёки камерадаги ёруғликни ўзгартириш;

қўлбола электр ускуналардан фойдаланиш;

диний экстремистик ғояларни тарғиб қилиш ҳамда уларга риоя этишга мажбурлаш;

камерадаги жиҳозларга зарар етказиш, деворларига ёки фойдаланишга берилган нарсаларга ёзиш, чизиш ёки белги қўйиш, шунингдек деворларга қоғозлар, фотосуратлар, адабиётлар, даврий матбуот нашрлари ва бошқаларни қирқиб ёпиштириш, фотосурат, рўзнома ҳамда журналлардан қирқиб олинган расмлар ёки мақолаларни ёпиштириш;

сафда ҳаракатланаётганда сафдан чиқиш, чекиш, суҳбатлашиш ва махсус қабулхона ходимларининг рухсатисиз бошқа ҳаракатлар қилиш;

шахсий фойдаланишида бўлган нарсаларни сотиш, совға қилиш, алмашиш ёки бошқа усуллар билан ўзга ушлаб турилганлардан тортиб олиш;

камера деразасидан ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини ташқарига улоқтириш, деразага ва эшикнинг туйнуғига ёпишиб туриш ёки уларни бекитиш ёхуд улардан қараш.

Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарнинг ички тартиб қоидаларига
З-ИЛОВА

Тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг РЎЙХАТИ

1. Барча турдаги ўқотар ва совуқ қурооллар, шунингдек ўқ-дорилар.
2. Пуллар, қимматли қоғозлар, қимматбаҳо тошлар, дурлар ва улардан ясалган буюмлар, турли марказдаги соатлар ва бошқа қимматликлар.

3. Оптик асбоблар, кўзойнак бундан мустасно.
4. Алкоголь маҳсулотлари, шунингдек таркибида спирт бўлган атир ва бошқа маҳсулотлар.
5. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва кучли таъсир этувчи препаратлар.
6. Барча турдаги радиоаппаратура, компьютер техникаси, ёзув машинаси, нусха кўчириш воситалари.
7. Алоқа воситалари, жумладан уяли алоқа воситаси, радиотелефонлар, пейжерлар, рациялар ва уларнинг барча турдаги қисмлари.
8. Пичоқлар, қайчилар, устаралар, электр устара бундан мустасно, шунингдек бошқа барча турдаги санчувчи ва кесувчи ҳамда инсон ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли, жиноят қуроли сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёлар.
9. Ойналар, бундан камера деворига ўрнатилган ойна мустасно.
10. Чилангарлик ва бошқа асбоб-ускуналар.
11. Спорт анжомлари.
12. Ўйин карталари.
13. Ҳар қандай турдаги фото, аудио ва видеоаппаратуралар ҳамда уларнинг қисмлари.
14. Порнографик ва диний экстремистик хусусиятга эга бўлган нашр ва материаллар, шунингдек тақиқланган адабиётлар.
15. Топографик хариталар ва компас.
16. Ҳарбий ва бошқа формали кийим-бош ҳамда унинг жиҳозлари.
17. Нусха кўчирадиган қоғозлар (копирка).
18. Мусиқа асбоблари.
19. Ҳамиртуруш ва ачитқилар.
20. Уйда пиширилган, шунингдек истеъмол қилиниши иситиш ва пиширишни талаб қиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари.

Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарнинг ички тартиб қоидаларига
4-ИЛОВА

**Шахсий кўрик қилиш ҳамда ашёлар ва озиқ-овқат
маҳсулотларини кўздан кечириш
БАЁННОМАСИ**

_____ йил «__» _____ да туғилган _____
(Ф.И.О.)

20__ йил «__» _____ соат _____ да махсус қабулхонага олиб келинган.

20__ йил «__» _____ да шахсий кўрик қилиниб ҳамда ашёлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари кўздан кечирилиб, ундан қуйидагилар олиб қўйилди:

_____ (ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг номи)

Мазкур баённомага олиб қўйилган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари тўлиқ киритилди.

Шахсий кўрик қилган ҳамда ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини кўздан кечирган махсус қабулхона ходимлари:

_____ (лавозими ва унвони)	_____ (имзо)	_____ (Ф.И.О.)
_____ (лавозими ва унвони)	_____ (имзо)	_____ (Ф.И.О.)
_____ (лавозими ва унвони)	_____ (имзо)	_____ (Ф.И.О.)
_____ (лавозими ва унвони)	_____ (имзо)	_____ (Ф.И.О.)

Мени шахсий кўрик қилиш ҳамда ашёларим ва озиқ-овқат маҳсулотларимни кўздан кечирилишига нисбатан эътирозим йўқ ёки бор.*

_____ (эътироз бўлганда, унинг қисқача мазмуни ёзилади)

(шахсий тинтув қилинган ҳамда ашёлари ва озиқ-овқат маҳсулотларини кўздан кечириш ўтказилган шахснинг имзоси ва Ф.И.О.)

Изоҳ: * кераклисининг тагига чизилади.

Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарнинг ички тартиб қоидаларига
5-ИЛОВА

**Тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини
олиб қўйиш тўғрисида
ҚАРОР**

_____ йилда туғилган _____
(Ф.И.О.)

шахсий кўрик қилинганда ҳамда ашёлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари кўздан кечирилганда тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари аниқланганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида»ги Қонунининг 22-моддасига асосан:

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

_____ дан
қуйидаги тақиқланган _____
(ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг номи)

олиб қўйилсин.

Шулардан _____
(ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг номи)

_____ молия бўлимига, омборхонага сақлаш ёки вақтинчалик сақлаш ва келгусида шахснинг қариндошлари ёки бошқа шахсларга бериб юбориш, давлат даромадига ўтказиш учун топширилсин*,

_____ (ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг номи)

_____ йўли билан йўқ қилинсин.
(йўқ қилиш усуллари кўрсатилади)

_____ туман (шаҳар)
ИИБ Махсус қабулхона бошлиғи

_____ (унвони)

_____ (имзо ва муҳр)

_____ (Ф.И.О.)

20__ йил «__» _____
_____ -сон

орқа томони

Қарор билан танишдим _____
(маъмурий қамоққа олинган шахснинг имзоси ва Ф.И.О.)

20__ йил «__» _____

Изоҳ: * кераклисининг тагига чизилади.

Давлат даромадига ўтказиш тўғрисида қабул қилинган қарор прокурор билан келишилади.

Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарнинг ички тартиб қоидаларига
6-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Махсус қабулхона бошлиғи

_____ (унвони ва Ф.И.О.)

_____ (имзо)

20 ____ йил « ____ » _____

**Тақиқланган озиқ-овқат маҳсулотларини йўқ қилиш ҳақида
ДАЛОЛАТНОМА**

20 ____ йил « ____ » _____

_____ (худуд номи)

Биз қуйида имзо чекувчилар, _____

_____ (махсус қабулхона ходимларининг лавозими, унвони ва Ф.И.О.)

_____ йўли билан

_____ (йўқ қилиш усуллари кўрсатилади)

_____ НИНГ

_____ (маъмурий қамоққа олинган шахснинг Ф.И.О.)

қуйидаги тақиқланган _____

_____ (озиқ-овқат маҳсулотларининг номи)

_____ йўқ қилинганлигини

маълум қиламиз.

Махсус қабулхона тиббиёт
ходими:

_____ (лавозими ва унвони)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Махсус қабулхона ходими:

_____ (лавозими ва унвони)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Махсус қабулхона ходими:

_____ (лавозими ва унвони)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарнинг ички тартиб қоидаларига
7-ИЛОВА

Махсус қабулхона навбатчилик қисми сейфида маъмурий қамоққа олинган
_____ га тегишли _____ сўм _____ тийин мавжуд.
(Ф.И.О.)

Махсус қабулхона навбатчиси

_____ (имзо)

20__ йил «__» _____

Махсус қабулхона бошлиғи

_____ га

(унвони)

_____ (Ф.И.О.)

_____ дан

(маъмурий қамоққа олинган шахс, Ф.И.О.)

А Р И З А

Қуйидаги ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишга рухсат беришингизни сўрайман:

Т/р	Ашё ва озиқ-овқат маҳсулотининг номи	Оғирлиги		Ажратилган маблағ	
		кг	гр	сўм	тийин
1.					
2.					
3.					
...					
Жами:					

_____ сўмлик ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилиб олдим.

_____ (имзо)

20__ йил «__» _____

Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарнинг ички тартиб қоидаларига
8-ИЛОВА

Махсус қабулхона бошлиғи

_____ (унвони)

_____ га
(Ф.И.О.)

А Р И З А

Мен, _____
(туғилган йили, санаси, яшаш манзили ва Ф.И.О.)

_____, сиздан
маъмурий қамоққа олинган _____
(туғилган йили, санаси ва Ф.И.О.)

учун олиб келган йўқловни қабул қилишингизни сўрайман.

Йўқловдаги ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг рўйхати:

Т/р	Ашё ва озиқ-овқат маҳсулотининг номи	Оғирлиги		Миқдори	Изоҳ
		кг	гр		
1.					
2.					
3.					
...					

_____ (аризачининг имзоси ва Ф.И.О.)

20__ йил «__» _____

Йўқловни маъмурий қамоққа олинган шахсга
топшириш учун қабул қилдим:

_____ (махсус қабулхона ходимининг имзоси ва Ф.И.О.)

20__ йил «__» _____

Йўқловни олдим: _____
(маъмурий қамоққа олинган шахснинг имзоси ва Ф.И.О.)

20__ йил «__» _____

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

802 **Халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари устидан божхона назорати қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 29 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 896-А

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига жисмоний шахслар номига халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари орқали келаётган товарлар назоратини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3873-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2000 йил 7 февралдаги 02/20-12-сон билан тасдиқланган Халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари устидан божхона назорати қоидаларига (рўйхат рақами 896, 2000 йил 11 февраль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 3-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 26 август
01-02/12-58-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил
26 августдаги 01-02/12-58-сон қарорига
ИЛОВА

Халқаро почта ва курьерлик жўнатмаларини божхона назоратидан ўтказиш қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 2.5¹-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2.5¹. Ҳар бир ХПЖлар бўйича почта алоқаси операторлари ва провайдерлари томонидан божхона органларига қабул қилувчи, товарнинг номи, вазни, миқдори ва маълум қилинган қиймати тўғрисида маълумотларни ўз ичига олган божхона декларацияси тақдим этилади.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 2 октябрда эълон қилинган.

Агар ХПЖлар бўйича божхона декларацияларида ушбу банднинг биринчи хатбошисида қайд этилган маълумотлар кўрсатилмаган бўлса, божхона органининг мансабдор шахси божхона назоратининг техник воситаларидан фойдаланган ҳолда божхона кўздан кечирувини ўтказиш вақтида зарур бўлган ҳолларда ХПЖларни очишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

ХКЖлар бўйича почта алоқаси операторлари ва провайдерлари томонидан божхона органларига божхона декларацияси ҳамда мажбурий равишда электрон хабар шаклида олдиндан берилиши лозим бўлган қуйидаги маълумотлар тақдим этилади:

кабул қилувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми;

кабул қилувчининг манзили;

кабул қилувчининг паспорт серияси ва рақами ёки солиқ тўловчининг идентификация рақами;

почта алоқаси оператори ёки провайдерининг номи;

жўнатувчи давлат;

жўнатманинг тавсифи;

жўнатманинг қиймати.

Олдиндан келиб тушган электрон маълумотлар божхона декларациясида кўрсатилган маълумотлар билан номувофиклиги аниқланганда ёхуд электрон маълумотлар мавжуд бўлмаганда, божхона қонунчилиги билан ўрнатилган божхона назорати шакллари ва чоралари қўлланилади.

Олдиндан келиб тушган электрон маълумотлар мавжуд бўлмаганда ва/ёки улар қисман тақдим этилса, ХКЖларнинг божхона назорати ва расмийлаштируви мазкур банднинг тўртинчи — ўнинчи хатбошиларида кўрсатилган маълумотлар божхона органларига почта алоқаси операторлари ва провайдерлари томонидан тақдим этилгандан сўнг амалга оширилади.

Олдиндан келиб тушган электрон маълумотлар мавжуд бўлганда ва улар божхона декларациясида кўрсатилган маълумотлар билан мувофиқ бўлса ҳамда божхона назоратини амалга оширгандан сўнг бирор-бир тафовут аниқланмаса, ХКЖларнинг божхона назорати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.».

2. 4.1¹-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. 5.6-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда 3000 (уч минг) АҚШ долларгача бўлган товарлар электрон тижорат орқали Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига киритмасдан ва божхона юк декларациясини расмийлаштирмасдан, почта хизматларини кўрсатиш қоидаларига мувофиқ реализация қилиниши мумкин.».

4. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилган.

*Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазирлиги*

Ш. САДИКОВ

2018 йил 26 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

803 Почта, курьерлик жўнатмалари почта хавфсизлиги юзасидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 4 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2428-2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон «Ўзбекистон Республикасининг Давлат хавфсизлиги тизими-ни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 майдаги 318-сон «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекция тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 21 январдаги 6-мх-сон қарори (рўйхат рақами 2428, 2013 йил 18 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 8-сон, 107-модда) билан тасдиқланган Почта, курьерлик жўнатмалари почта хавфсизлиги юзасидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Ш. САДИКОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 6 сентябрь,
181-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 5 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Ахборот технологиялари ва коммуникацияла-
рини ривожлантириш вазирининг 2018 йил
6 сентябрдаги 181-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Почта, курьерлик жўнатмалари почта хавфсизлиги юзасидан
назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Йўриқномага
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддимасидаги «2015 йил 10 апрелдаги 87-сон «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» деган сўзлар «2018 йил 1 майдаги 318-сон «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекция тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 1-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «Миллий» деган сўз «Давлат» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. 1-иловининг схемасидаги «ММХБ (ММХБм)» аббревиатуралар «ДХХБ (ДХХБм)» аббревиатуралар билан алмаштирилсин.

4. Ушбу ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ва «Ўзбекистон почтаси» АЖ билан келишилган.

*Фавқулодда вазиятлар
вазири в. б.*

Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ

2018 йил 5 сентябрь

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

2018 йил 5 сентябрь

*Давлат хавфсизлик
хизмати раиси*

И. АБДУЛЛАЕВ

2018 йил 5 сентябрь

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2018 йил 5 сентябрь

Ташқи ишлар вазири

А. КАМИЛОВ

2018 йил 5 сентябрь

«Ўзбекистон почтаси» АЖ
бош директори

Е. БИРГЕР

2018 йил 5 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

804 «Тижорат банклари, шу жумладан бошқа инвесторлар иштирокида банкрот корхоналар негизда ташкил этилган корхоналарнинг асосий воситалари ва номоддий активлари бўйича амортизация ажратмаларини ўрнатилган меъёрдан камроқ ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 4 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2114-2

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 31 майдаги 47, 97, 2010-21, 20/1-сон «Тижорат банклари, шу жумладан бошқа инвесторлар иштирокида банкрот корхоналар негизда ташкил этилган корхоналарнинг асосий воситалари ва номоддий активлари бўйича амортизация ажратмаларини ўрнатилган меъёрдан камроқ ҳисоблаш тартиби

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 5 октябрда эълон қилинган.

тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2114, 2010 йил 23 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 24-25-сон, 208-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 5 июндаги 75, 135, 2017-27, 11/3-сон «Тижорат банклари, шу жумладан, бошқа инвесторлар иштирокида банкрот корхоналар негизда ташкил этилган корхоналарнинг асосий воситалари ва номоддий активлари бўйича амортизация ажратмаларини ўрнатилган меъёрдан камроқ ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2114-1, 2017 йил 16 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 24-сон, 511-модда).

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 17 сентябрь,
128-сон

Иқтисодиёт вазири

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 17 сентябрь,
31-сон

**Давлат солиқ қўмитаси
раисининг биринчи ўринбосари**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 17 сентябрь,
2018-69-сон

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 17 сентябрь,
27/18-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**805** «Тошкент давлат юридик университетининг магистратурасига қабул қилишда ёзма имтиҳон ўтказиш ва унинг натижаларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2491-2

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 4 июлдаги 502-сон «Тошкент давлат юридик университети магистратурасига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2013 йил 26 июлдаги 223-мх-сон «Тошкент давлат юридик университетининг магистратурасига қабул қилишда ёзма имтиҳон ўтказиш ва унинг натижаларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2491, 2013 йил 26 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 30-сон, 406-модда);

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2016 йил 12 августдаги 208-мх-сон «Тошкент давлат юридик университети магистратурасига қабул қилишда ёзма имтиҳон ўтказиш ва унинг натижаларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2491-1, 2016 йил 12 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 32-сон, 395-модда).

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Тошкент давлат юридик университети билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Адлия вазири

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 5 октябрь,
477-мх-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 5 октябрда эълон қилинган.

Келишилган:

*Олий ва ўрта махсус
таълим вазири*

И. МАДЖИДОВ

2018 йил 4 октябрь

*Адлия вазири ўринбосари —
Тошкент давлат юридик
университети ректори*

Е. КАНЬЯЗОВ

2018 йил 4 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

**806 Давлат солиқ хизмати органларида солиққа оид
ҳуқуқбузарлик хавфини таҳлил этиш тизимини жо-
рий этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
5 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3075*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5490-сон Фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Давлат солиқ хизмати органларида солиққа оид ҳуқуқбузарлик хавфини таҳлил этиш тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низом иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға қиради.

**Давлат солиқ қўмитаси
раисининг биринчи ўринбосари**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 29 август,
2018-68-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 6 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил
29 августдаги 2018-68-сон қарорига
ИЛОВА

**Давлат солиқ хизмати органларида солиққа оид
ҳуқуқбузарлик хавфини таҳлил этиш тизимини жорий
этиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ–5490-сон «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ давлат солиқ хизмати органларида солиққа оид ҳуқуқбузарлик хавфини таҳлил этиш тизимини жорий этиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомға асосан солиққа оид ҳуқуқбузарлик хавфини таҳлил этиш тизими давлат солиқ хизмати органларида амалиётга жорий этилган «Таҳлика-таҳлил» дастурий маҳсулоти (бундан буён матнда дастурий маҳсулот деб юритилади) орқали тадбиркорлик субъектларида солиққа оид ҳуқуқбузарлик хавфини автоматик тарзда инсон омили аралашмаган ҳолда таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

2. Дастурий маҳсулот хавфни таҳлил этиш тизимини давлат солиқ органларидаги мавжуд ички ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 октябрдаги ПҚ–1843-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати идоралари ахборот-коммуникация тизими фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этилган ташқи маълумотларга, веб саҳифалари ва ижтимоий тармоқлардан олинган ахборотларга асосан қуйидаги йўналишларда:

тадбиркорлик субъектларининг шахсий карточкаларида солиқ қарздорлиги мавжудлигини;

тадбиркорлик субъектлари томонидан солиқ мажбуриятларининг бажарилишида солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича тақдим этилган солиқ ҳисоботларига мунтазам равишда (бир йил давомида икки ва ундан ортиқ марта) қайта ҳисоб-китобларнинг амалга оширилганлигини;

тадбиркорлик субъектлари ҳисобот даври мобайнида дастлаб рўйхатга олинган юридик манзилени бир ҳудуддан бошқа бир ҳудудга мунтазам равишда (икки ва ундан ортиқ марта) ўзгартириб борилганлигини;

тадбиркорлик субъектлари томонидан ўзларига тегишли бўлмаган тўлов терминаллари билан фойдаланилганлигини;

жисмоний ва юридик шахслар томонидан айнан бир тадбиркорлик

субъекти фаолиятдан норозилиги ҳақидаги мурожаатларни ва бошқа йўналишларни таҳлил қилади.

3. Дастурий маҳсулот мазкур Низомнинг 2-бандида белгиланган йўналишларга асосан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тўлиқ таҳлил қилади ҳамда якуний натижаларни баллик тизим орқали солиққа оид ҳуқуқбузарлик хавфи даражасини баҳолайди.

4. Дастурий маҳсулот орқали солиққа оид ҳуқуқбузарлик хавфи даражасини баллик тизимда баҳолаш аниқланган камчиликлар суммаси ва ҳолатидан келиб чиқиб амалга оширилади.

5. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан дастурий маҳсулотдан шакллантирилган солиққа оид ҳуқуқбузарлик хавфи даражаси таҳлили чорак давомида бир маротаба ҳар чоракдан кейинги ойнинг 25 санасида ўтказилади, бундан банкдан ташқари йирик миқдордаги пул айланмаларни амалга оширган тадбиркорлик субъектларини доимий солиққа оид ҳуқуқбузарлик хавфини таҳлил қилиш муддати мустасно.

6. Аниқланган ҳолатлар юзасидан давлат солиқ хизмати органлари томонидан тадбиркорлик субъектларида солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи даражасидан келиб чиқиб, текшириш ўтказишни келишиш тўғрисида прокуратура органларига ташаббус билан мурожаат қилинади.

7. Дастурий маҳсулот орқали солиққа оид ҳуқуқбузарлик хавфининг баллик тизими натижаларига кўра солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи даражаси қуйидаги уч тоифага бўлинади:

а) солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи юқори бўлган тадбиркорлик субъектлари;

б) солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи ўртача бўлган тадбиркорлик субъектлари;

в) солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи паст бўлган тадбиркорлик субъектлари.

2-боб. Солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи юқори бўлган тадбиркорлик субъектлари билан ишлаш

8. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи юқори бўлган тадбиркорлик субъектлари рўйхати дастурий маҳсулотдан шакллантирилади.

9. Дастурий маҳсулотдан шакллантирилган рўйхатда келтирилган тадбиркорлик субъектларининг шахсий кабинетини орқали давлат солиқ хизмати органи томонидан солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи юқорилиги тўғрисида тадбиркорлик субъекти хабардор қилинади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига белгиланган тартибда камерал назоратдан ўтказилади.

10. Камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафовутларни бар-тараф этиш юзасидан тадбиркорлик субъектлари томонидан аниқлаштирилган қайта ҳисоботлар ёхуд асослантирувчи ҳужжатлар тақдим этилмаганда давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларида текшириш

ўтказишни келишиш тўғрисида прокуратура органларига мурожаат қилиши мумкин.

3-боб. Солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи ўртача бўлган тадбиркорлик субъектлари билан ишлаш

11. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи ўртача бўлган тадбиркорлик субъектлари рўйхати дастурий маҳсулотдан шакллантирилади.

12. Дастурий маҳсулотдан шакллантирилган рўйхатда келтирилган тадбиркорлик субъектларининг шахсий кабинети орқали давлат солиқ хизмати органи томонидан солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи ўртачалиги тўғрисида тадбиркорлик субъекти хабардор қилинади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида белгиланган тартибда камерал назоратдан ўтказилади.

13. Камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафовутларни бар тараф этиш юзасидан тадбиркорлик субъектлари томонидан аниқлаштирилган қайта ҳисоботлар ёхуд асослантурувчи ҳужжатлар тақдим этилмаганда давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларида текшириш ўтказишни келишиш тўғрисида прокуратура органларига мурожаат қилиши мумкин.

4-боб. Солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи паст бўлган тадбиркорлик субъектлари билан ишлаш

14. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи паст бўлган тадбиркорлик субъектларида камерал назорат ўтказилмайди.

15. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи паст бўлган солиқ тўловчиларга текшириш ўтказиш тўғрисида прокуратура органларига мурожаат қилинмайди.

5-боб. Яқуний қоидалар

16. Мазкур Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

17. Солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфни таҳлил этиш натижаларидан норози бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилишга ҳақли.

18. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Бош прокурор

О. МУРОДОВ

2018 йил 29 август

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2018 йил 29 август

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2018 йил 29 сентябрдан 5 октябргача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 14 августдаги 220-сон «Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарнинг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 29 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3073.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 26 августдаги 01-02/12-58-сон «Халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари устидан божхона назорати қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 29 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 896-4.

3. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2018 йил 6 сентябрдаги 181-мх-сон «Почта, курьерлик жўнатмалари почта хавфсизлиги юзасидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 4 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2428-2.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 сентябрдаги 128, 31, 2018-69, 27/18-сон «Тижорат банклари, шу жумладан бошқа инвесторлар иштирокида банкрот корхоналар негизида ташкил этилган корхоналарнинг асосий воситалари ва номоддий активлари бўйича амортизация ажратмаларини ўрнатилган меъёрдан камроқ ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 4 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2114-2.

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 5 октябрдаги 477-мх-сон «Тошкент давлат юридик университетининг магистратурасига қабул қилишда ёзма имтиҳон ўтказиш ва унинг натижаларини аниқлаш

тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 5 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2491-2.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 29 августдаги 2018-68-сон «Давлат солиқ хизмати органларида солиққа оид ҳуқуқбузарлик хавфини таҳлил этиш тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 5 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3075.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг «Тижорат банклари, шу жумладан бошқа инвесторлар иштирокида банкрот корхоналар негизда ташкил этилган корхоналарнинг асосий воситалари ва номоддий активлари бўйича амортизация ажратмаларини ўрнатилган меъёрдан камроқ ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор (рўйхат рақами 2114, 2010 йил 23 июнь), шунингдек унга ўзгартириш (рўйхат рақами 2114-1, 2017 йил 16 июнь).

Адлия вазирининг 2018 йил 4 октябрдаги 476-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг «Тошкент давлат юридик университетининг магистратурасига қабул қилишда ёзма имтиҳон ўтказиш ва унинг натижаларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ (рўйхат рақами 2491, 2013 йил 26 июль), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2491-1, 2016 йил 12 август).

Адлия вазирининг 2018 йил 5 октябрдаги 477-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.